

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 616.36.002.099.3.612.015.32.33.547.922.

ЧИБИЛОВА ЖУМАГУЛ НИЁБКЕНОВНА

***ТОКСИК ГЕПАТИТДА ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ
ДАМЛАМАСИНИНГ МОДДА ВА ЭНЕРГИЯ АЛМАШИНУВИГА
ТАЪСИРИ***

5A140101-Биология (фан йўналиши бўйича) мутахассислиги

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация автореферати**

Илмий раҳбар:

б.ф.д. проф. Тожибоев Қ.Т.

АНДИЖОН- 2014

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
1 БОБ	Адабиётлар шархи.....	5
1.	Гепатитда жигар хужайраларидаги модда алмашинувнинг бузилиши.....	5
2.	Гепатитда жигар хужайраларидаги энергия алмашинувнинг бузилиши.....	15
3.	Гепатитда жигар митохондриясида Ca^{2+} ташилишининг ўзгариши.....	21
	1 боб бўйича хулоса	
2 БОБ	Тадқиқот усуллари ва ашёлари.....	29
3 БОБ	Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.....	40
1.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли ҳайвонларнинг жигари тўқимасидаги липидлар алмашинувнинг ўзгариши.	40
2.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли ҳайвонларни жигари митохондрияси фосфолипидларининг ўзгариши.....	46
3.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли ҳайвонларни жигар тўқимасида оксилларнинг ўзгариши.....	53
4.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, CCL4ли гепатитда ҳайвон жигари тўқимасида аденинли нуклеотидларнинг ўзгариши.....	56
5.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитда жигар митохондриясининг энергетик метаболизмининг ўзгариши.....	60
6.	Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли ҳайвонларнинг жигари митохондриясида Ca^{2+} ни ташилиши.....	65
7.	“Ўзбекистон шифобахш дамламаси”нинг таъсирида гепатитли ҳайвонларнинг жигар тўқимаси ва митохондриясида липидларнинг перекисли оксидланиши .	67

8.	“Ўзбекистон шифобахш дамламаси”нинг таъсирида ССЛ4ли гепатитда жигар тўқимаси ва митохондриясида антиоксидант энзимларнинг фаоллиги.....	71
	3 боб бўйича хулоса.....	
	ХУЛОСАЛАР	75
	ИЛОВА	81
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	82

КИРИШ

Ишнинг долзарблиги: Президент И.А.Каримов томонидан эълон қилинган “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида унинг баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида (2009) фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилиши кўзда тутилган. Шу билан биргаликда аҳоли саломатлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бизнинг илмий ишимизда доривор ўсимликларни аниқлаш ва самарали даволаш йўлларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Гепатотроп токсик моддалар эндоген (ички) ва экзоген (ташқи) таъсир этувчи икки гуруҳ бирикмаларга бўлинади. Эндогенига моддалар алмашинувида ҳосил бўлган захарли маҳсулотлар, шунингдек, аллергия, иммунопатология маҳсулотлар ва нурланишлар киради, экзогенига захарли кимёвий бирикмалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг захарли моддалари киради. Жигарнинг яллиғланиши гепатотоксик модданинг кимёвий тузилишига, таъсир этиш даврига ва миқдорига боғлиқ. Ўзбекистонда хизмат курсатган ихтирочи, профессор И.Р. Аскарлов тайерлаган Ўзбекистон шифобахш дамламасидан халқ табобатида, турли хил касалликларни даволашда фойдаланилмоқда. Аммо унинг организмга ва шу жумладан гепатитда жигар ҳужайраларига таъсирини молекуляр механизмлари яхши ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади. Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида, токсик гепатитда жигар ҳужайраларининг тикланиши, модда ва энергия алмашинувини ўзгариш динамикалари ва механизмларини аниқлашдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги. Биринчи марта Ўзбекистон шифобахш дамламасининг гепатитли ҳайвонларнинг организмга киритилиши, жигарда кўпайиб кетган триацилглицеридлар, эркин ёғ кислоталари ва айниқса холестерин миқдорини камайтириши, камайтириб кетган фосфолипид, альбумин, глобулин ва сийдикчилнинг миқдорларини кўпайтириб, соғлом ҳайвонларнинг жигаридаги кўрсаткичларга яқинлашиши аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Гепатитли ҳайвонларнинг жигарида модда ва энергия алмашинувини, митохондрияда фосфолипид таркибини, кальций ташилишини, антиоксидант энзимлари фаолликларини яхшиланиши тўғрисида олинган натижалар университет факультетида биокиме мутахассислиги бўйича ўқитилаётган талабаларга маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланилмоқда.

1 БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1. Гепатитда жигар ҳужайрасида модда алмашинувининг бузилиши

Жигар хужайрасининг 80% ини гепатоцитлар, 15% ини эпителиал хужайралар ташкил этади. 1 дақиқадада жигар хужайраларидан 1,2 литр кон оқиб ўтади, унинг 70% дарвоза венасидан ўтиб, улар овқат ҳазм қилиш аъзоларига келади, қолган 30% и жигар артерияларидан келади. Бундай ҳолат жигарнинг моддалар ҳазм бўлишида, моддаларнинг ўзгариши, синтез бўлиши ва сўрилишида муҳим роль ўйнашини кўрсатади ва кон таркибидаги моддаларни бошқариб туришига олиб келади [Чернух А.М. ва б., 1975; Селезнев С.А. ва б., 1985].

Жигарда дарвоза венаси орқали кон билан келган глюкозадан гликогендан ташқари ёғлар, ёғ кислоталари ҳам синтез бўлади. Баъзи бир жигар касалликларида (цирроз) бириктирувчи тўқима элементларининг миқдори ортади ва кон томирлардаги босим ортиши натижасида ўт суюқлигининг ажралиши ҳам бузилади. Жигарнинг массасининг 70% ини сув ташкил қилади, қуруқ массасининг 50% ини оқсил ташкил этиб, уларнинг 90% альбумин ва глобулинлардан иборат.

Жигарнинг массасини 5% липидлардан, асосан ёғлар, фосфолипидлар ва холестериндан иборат. Семиришда жигар массасини 20% гача ёғ ташкил қилади, жигарни ёғ босишида ёғ массаси 50% кўтарилади. Жигарда 150-200г гликоген бўлади. Жигарда захарли моддаларни синтез бўлиши натижасида организмнинг химояланиш жараёни кечади. Бунга мисол тариқасида сийдикчил (мочевина) синтезини олиш мумкин, захарли аммиак шу тарзда зарарсизлантирилади ва сийдик билан организмдан чиқариб юборилади [Шакина Л.С. Соколова А.Г 1993; А.А.Чиркин, Н.Ю.Коневлова, 1987; Ю.А. Владимирова, 1989; Б.У.Ирускулов, 1997]. Кўпгина захарли моддалар жигарда сульфат кислота ва глюкоурон кислоталари таъсирида зарарсизланади. Сульфат ва глюкоурон кислоталар фаол ҳолатдагина зарарсизлантириш реакцияларига кириша олади. Уларнинг фаол ҳолати 3¹-фосфаденозин-5¹-фосфосульфат ва уридил фосфоглюкоурон кислота ҳисобланади. Глюкоурон кислота модда алмашинувида ҳосил бўлган кўпгина моддаларни зарарсизлантира олади. Шулардан эркин билирубин маълум даражада захарли бўлиб, жигарда глюкоурон кислота билан моно- ва диглюкоуронид билурубин ҳосил қилиш йўли билан зарарсизлантирилади. Жигар энзимлари барча липид алмашинуви маҳсулотларини синтезлаш ва парчалаш хусусиятига эга. Натижада юқори ёғ кислоталари, триацилглицеридлар, фосфолипидлар ва холестеринлар синтез бўлади, юқори ёғ кислоталари оксидланади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш кўмитаси маълумотларига кўра, экологик жараёнларнинг ўзгариши натижасида жигар касаллиги билан оғриган беморларнинг сони кундан кунга кўпаймоқда. Халқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ортиб бориши натижасида турли кимёвий бирикмаларни қишлоқ хўжалигидаги ўсимликлар

ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қўлланилиши, шу туфайли аҳолининг доимий захарли кимёвий бирикмалар билан захарланиши натижасида жигар хасталиклари ортиб бормоқда. Ғалла ўсимликлари таркибида бўлган ёввойи ўсимликлар: туяқорин, кампирчопон каби ўсимликлар уруғларининг ғалла донлари таркибига кириши натижасида улар таркибидаги альколоидлар таъсирида сурункали жигар хасталиклари келиб чиқмоқда, шу туфайли жигарнинг захарли моддалар таъсирида сурункали жароҳатланиши Ўрта Осиёда ўзига хос касалликлардан ҳисобланади [Н.Х.Абдуллаев, Х.Я. Каримов, 1989, Қ.Т.Тожибоев, Кодиралиева М.Р. 1999].

Гепатотоксик моддалар ўсимликлар маҳсулоти ёки кимёвий моддалар бўлиб, жигар хужайраларининг жароҳатланишида асосий ўрин эгаллайди. Бундай моддаларга фосфор ва хлорорганик бирикмалар киради. Улар кишлок хўжалигида, хонадонларда ишлатилиши натижасида, жигар хужайраларини сурункали яллиғланишига олиб келади. Таркибидаги гелиотроп моддаларга эга бўлган ўсимликлар ер юзасида кенг тарқалган: сенецифалин, сенецифалидин ва асосан, CCL4 ва лазиокарпин алкалоидларини тутувчи, ёввойи ўсимлик, тукланган уруғли гелиотроп (*Heliotroph lasuocarpum*) амалий аҳамиятга эга бўлган ўсимлик ҳисобланади [Абдуллаев Н.Х., Каримов Х.Я., 1989].

Гелиотропнинг уруғи бошоқли ўсимликлар уруғи билан ун ва нон маҳсулотлари таркибига кириб, ўзига хос токсик гепатит чақиради. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларида бошоқли ўсимликлар таркибида бу альколоид учрайди. Гелиотропнинг токсик гепатитда этиологик омил эканлиги М.Н. Ханиннинг экспериментал тажрибалари орқали исботланган [1956; 1963]. Марказий Осиё, Африка, жанубий Америка давлатларида жигар хужайраларининг шикастланиши, цирроз ва бирламчи жигар рақини пиролизидин альколоидларидан гелиотроп ва лазиокарпинлар келтириб чиқариши аниқланган.

Маълумки, пиролизидин захарли модда бўлиб, шулардан CCL4нинг захарлилиги пиролизидин халқасидаги тўйинмаган структурасига боғлиқ. Жигар метаболизми жараёнида тўйинмаган пиролизин алкалоидлари - N - оксидининг ноактив метаболити, ҳамда токсик бирикмалар пироллар ҳосил бўлади. Булар нуклеофил гуруҳ, хужайра структураси билан ковалент боғланиш хусусиятига эга. Зарарланиш даражаси жигарда пиррол метаболитларини бўлишига боғлиқ. Кўпчилик муаллифлар томонидан турли параметрлар ўзгаришини текшириб, CCL4 таъсирида организмни жароҳатлаш ва органларнинг функционал активлигини йўқотиш билан характерланиб, биринчи навбатда жигарда паренхима хужайраларининг характерли ўзгаришлари аниқланган. Кўпгина олимларнинг фикрича, CCL4 билан захарланганда жигарнинг морфологик ўзгариши

вирусли гепатитдаги жигарнинг морфологик ўзгаришига ўхшаш бўлади [Абдуллаев Н.Х., Каримов Х.Я., 1989].

Эндемик гепатитда жигарнинг ҳар хил кимёвий ва ўсимлик таркибидаги гепатотоксик моддалар билан хасталанишида, жигарда морфологик ўзгаришлар бўлиб, жигарни дистрофик ва некротик ўзгаришига олиб келади. Бу жараён фақатгина жигарга ташқи захарли агентларнинг таъсири билангина келиб чиқмайди, балки жигар синусоидларида қон алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқади. Жигарнинг ички қон айланиши бузилиши натижасида организмга гепатотоксик моддалар таъсир этганда жигар хужайраларида кислород етишмаслиги рўй беради; натижада хужайра ичидаги энзимларнинг фаоллигини пасайишига олиб келади [Абдуллаев Н.Х., Каримов Х.Я., 1989].

Жигар ёғ алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Жигарга тушган ёғлар ёғ захираларидан энергия манбаи сифатида ажралиб чиқади. Экзоген (ташқи) ёғлар ичакдан лимфа орқали умумий қон айланиш доирасига тушади. Булар асосан учацилглицеридлар бўлиб, улар парчаланмаган ҳолда сўрилади ва у ичак деворида ёғлар ва фосфатидлар биосинтезида ишлатилмаган, юқори ёғ кислоталари ҳолида жигарга тушади, оз миқдордаги ёғлар ичакда сўрилганда дарвоза венаси орқали жигарга ташилади. Булар, асосан, қисқа занжирли ёғ кислоталари ҳисобланади. Умумий қон айланиш доирасига тушадиган триацилглицеридлар майда ёғ томчилари сифатида бўлади ва хиломикронлар деб аталади. Улар ичак деворида сўрилганда ҳосил бўлади ва улар ёғлар ҳазм бўлишида ёғларнинг асосий ташилувчи шакли ҳисобланади. Қондаги хиломикронларни қабул қилувчи аъзо асосан жигар, юрак ва ёғ тўқималари ҳисобланади [Подымова С.Д., 1984].

Эндоген (ички) ёғлар жигарга ёғ тўқималаридан тушади. Ёғ тўқимаси фаол моддалар алмашинувида қатнашади. Ёғ захираларига карбонсувлар ташилиб туради ва улар ёғларга айланади. Ёғ тўқималари доимий ҳаракатда бўлиб, унда учацилглицеридлар парчаланиб ва синтез бўлиб туради. Ёғларнинг ёғ деполаридан ташилишида учацилглицеридлар парчаланиб, эркин юқори ёғ кислоталари қонга ўтади. Ёғ тўқималаридаги учацилглицеридлар ёғ алмашинувида карбонсувлар алмашинувидаги гликоген вазифасини бажаради.

Учацилглицеридлар физиологик фаол ҳолатда бўлади, гликоген организмнинг физиологик ҳолатларида уларни энергия билан таъминлаш учун ишлатилади. Ёғ тўқималарида ёғларнинг учацилглицерид шаклида эмас, балки эркин ёғ кислоталари шаклида бўлганлиги учун қонда ёғ кислоталарининг миқдори юқори бўлиб, улар организмни 50-60% гача энергия билан таъминлайди. Ёғ кислоталарининг алмашинувида

жигар миқдорий жихатдан 60% вазифани бажарса, бошқа аъзолар эса 40% вазифа бажаради.

Жигар ва қонда тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори тўйинган ёғ кислоталари миқдоридан кўпроқ. Жигарда липидлар таркибига кирадиган ёғ кислоталарининг янгилиниши бошқа аъзолардан кўра юқори даражада рўй беради. Ёғ кислоталарининг ярим парчаланиши жигарда 1-3 кунда бўлиб ўтса, бошқа аъзоларда эса 5-9 кунда бўлиб ўтади. Фосфолипидлар таркибига кирувчи ёғ кислоталарининг янгилиниши янада тезроқ бўлади.

Ёғ захираларидан ажратилган эркин ёғ кислоталарининг асосий қисми жигарга сўрилади. Эркин ёғ кислоталари учацилглицеридлар ва хиломикронлардан кўра осон оксидланади. Жигарда эркин ёғ кислоталари фаоллашиб, асосан учацилглицеридлар биосинтезига сарфланади, қисман фосфолипидлар ва холестерин эфирлари биосинтезида қатнашади. Эркин ёғ кислоталарининг кўп қисми учацилглицеридлар таркибига, озроқ қисми эса фосфолипидлар таркибига киради. Демак, жигар қон оқимида ҳаракатланаётган эркин ёғ кислоталарининг учацилглицеридлар ва бошқа эфирли липид бирикмаларга айланттирувчи асосий аъзо ҳисобланади [Подымова С.Д., 1984].

Жигарда учацилглицерид ва юқори ёғ кислоталарининг алмашинуви фосфолипидлар билан боғлиқ. Ёғ кислоталари гидрофиль фосфолипид биосинтезида уларнинг таркибига кириб, жигардан осонлик билан ташилиши мумкин. Фосфолипидлар таркибидаги юқори ёғ кислоталари осон оксидланади. Кейинги вақтларда фосфолипидларнинг ёғлар алмашинувидаги муҳим роли тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди.

Фосфолипидларнинг жигар ва қондаги миқдори жигар ҳужайрасининг физиологик фаоллигини белгилайди. α - ва β -липопротеидлардан β -липопротеидлар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар кўп миқдорда учацилглицеридлар таркибига киради. Ёғ ва оксилларнинг электростатик кучлар ёрдамида бириккан маҳсулоти ҳисобланади. Ёғ кислоталари жигарга тушгач оксидланади, натижада кетон таначалар ҳосил бўлади (β -оксимой кислота ва ацетат сирка кислота), улар кейинчалик оксидланишидан ацетатсирка кислота ҳосил бўлади. Демак, жигарнинг ёғ алмашинувидаги асосий вазифаси: 1) ёғ захираларидан тушадиган ёғ кислоталаридан учацилглицеридларни биосинтез қилиш; 2) юқори ёғ кислоталарининг кетон таначаларгача оксидлаш; 3) юқори ёғ кислоталарининг фосфолипидлар ва холестерин эфирлари биосинтезида қатнашиши; 4) β -липопротеидлар биосинтезида учацилглицеридларнинг жигардан ажралиб чиқишида қатнашиш.

Ҳозирги пайтда организмда ва ҳужайрада липидларнинг биоэффекторлик фаолияти тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар олинган. Охирги йилларда липидларнинг организмда

кечадиган энг мухим физиологик жараёнларда (иммун жавоб, нейрон ахборотларини узатилиши, қон томири ва мушак тонусини бошқарилиши, гомеостаз сақланиши, шамоллаш ва ҳ.) ва одам ва ҳайвон ҳужайраларида кечаётган биокимёвий реакцияларда ишгирок этадиган бошқарувчилик, медиаторлик ва биологик эффекторлик хусусияти борлиги маълум бўлди. Иккиламчи мессенджер сифатида ҳужайра ичига турли ташқаридан келаётган сигналларни узатади, ундан ташқари уларнинг ўзи ҳам ҳужайралар орасидаги медиаторлар бўлиб ҳисобланади [Kim D.U. et al., 1999]. Протеинкиназани базибир шакллари рағбатлантиришга, ҳужайра ичидаги деполардан кальцийни юборишга сигнал бериш жараёнларида ишгирок этадиган фосфоинозитид цикли вакилларида диацилглицеринлар, инозитфосфат, инозит 1,4,5 учфосфат, фосфатид кислоталарнинг ишгироки тўғрисида кўплаб маълумотлар олинган [Lisovitch M., Cantley L.C., 1994; Ткачук В.А., 1998. Қонда кўплаб биологик жараёнларни бошқарадиган 1-0 алкил 2- ацетилфосфатидилхолин (тромбоцитлар агрегацияси омили) кучли биоэффектор ҳисобланади [Куликов В.И., Музя Г.И., 1998].

Оз микдордаги лизофосфатидилхолин (1-10мкМ) протеинкиназаларни фаоллигини рағбатлантиради, ҳужайра пролиферациясини кучайтиради, лимфа ҳужайраларининг дифференцировкасини рағбатлантиради ва шу каби жараёнларда ишгирок этиши аниқланган [Проказова Н.В. и др., 1998].

Гликосфинголипидлар ҳужайрани ўсиши, дифференцировкасида ва билишда ишгирок этади, ҳужайралар ўртасидаги ҳамкорликда, ҳамда сигналларни мембраналар ўртасида узатилишида антигенлиги ва фаол иммуномодуляторлиги аниқланган. Оддийроқ сфинголипидлар ва уларнинг метаболитлари (сфингенин, сфингенин-1-фосфат, церамидлар) иккинчи мессенджер сифатида ҳужайранинг ўсиши, дифференцировкаси ва апоптозда қатнашади. Шпигель С. и др., 1998; Дятловицкая Э.В., 1998].

Жуда кўплаб ишлар ярим тўйинган ёғ кислоталари ва уларнинг унумлари (моноацилглицеринлар, амидлар, оксипинлар) биоэффекторлик ролига бағишланган. Эркин тўйинмаган ёғ кислоталари фосфолипазаларнинг фаоллигини, ион каналларини, АТФ-азанинг фаоллигини, G оксилни, протеинкиназанинг фаоллигини бошқаради, фосфатидинозит ва сфингомиелин цикллари моделида, гормонал ахборотни ташилишига ва генларнинг транскрипциясига таъсир кўрсатиши аниқланган [Когтева Г.С., Безуглов В.В., 1998]. Ҳужайрада оксипинлар тайёр кўринишда сақланмайди, балки биологик рағбатга жавобан полиен ёғ кислоталаридан синтезланади. Уларнинг таъсир кўрсатиши жуда хилма хил бўлиб, организмдаги кўплаб нормал ва патологик жараёнларни бошқаришда ишгирок этади [Петрухина Г.Н., Макаров В.А., 1998; Сала А. и др., 1998].

Ҳар хил типдаги липидларнинг биоэффекторлик таъсирини таҳлил қилиб, хужайра бир вақтнинг ўзида бир қанча липидларнинг эффекторлик таъсирига учрашини қайд қилиш мумкин. Кўпинча липидли бошқарувчилар ва мессенджерлар хужайрага қарама-қарши (масалан, диацилглицеринлар протеинкиназа-С ни фаоллаштиради, сфингенин бўлса аксинча уни ингибирлайди, диацилглицеринлар апоптозни ингибирласа, церамидлар уни рағбатлантиради) таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг билан бирга битта энзимнинг ўзи ҳар хил липидли биорегуляторларнинг таъсирига учраши мумкин (масалан, инозит-1,4,5-трифосфат, сфингенин, сфингенин-2-фосфат, арахидон кислота, лизофосфатидилхолин, 2-арахидоноилглицерин ёрдамида кальцийни ишга солиниши, сфингенин ёки церамид билан апоптозни рағбатлантириш ва шунга ўхшашлар). Баъзан липидли эффекторлар синергизм хусусиятини намоён қилади. Лизофосфатидилхолин ва эркин ёғ кислоталари диацилглицеринлар билан индуцирлаган протеинкиназанинг айрим шакллари фаоллигини ошириши аниқланган [Дятловская Э.В., Безуглов В.В., 1998].

Жигарнинг токсик жароҳатида: 1) жигарда гликоген миқдори озайиши натижасида ёғлар ёғ захираларидан сарфланади; 2) юқори ёғ кислоталарининг оксидланиши бузилади; 3) хужайра ичидаги ёғларнинг парчаланиш жараёни бузилади; 4) ёғларнинг ташилувчан шакли β липопротеидлар ва фосфолипидлар етарли ҳосил бўлмайди [Подымова С.Д., 1984].

Сурункали гепатитда умумий липидларнинг 14-26% гача ортиши ва бу жараён нейтрал ёғлар ҳисобига бориши аниқланган. Жигар хасталигида қонда умумий липидлар, эркин ёғ кислоталарининг фосфолипидлар, холестерин миқдори ортиши кузатилади. Бундай ўзгариш жигар жароҳати билан тўғри боғлиқ ҳолда кузатилади Токсик гепатитда ёғ захираларидан жигарга ёғларнинг кўп миқдорда тушишидан ташқари, ёғларнинг жигардан чиқиш жараёни пасаяди, шунингдек, ёғ алмашинуви бузилади. Бу жараёнда қуйидаги ҳолатлар кузатилади: 1) учацилглицеридларнинг етарли даражада парчаловчи энзим тизими бузилади; 2) ёғ кислоталари тўлиқ оксидланмайди; 3) учацилглицеридларнинг жигарда синтез бўлиши кучаяди. Учацилглицеридларнинг парчаланишидан юқори ёғ кислоталарини ҳосил бўлиши уларнинг кейинчалик оксидланишига ва уларнинг фосфолипидлар таркибига кириб жигардан чиқарилишига олиб келади.

Жигарнинг токсик жароҳатланишида ёғ кислоталарининг оксидланиши пасайиб, учацилглицеридларнинг биосинтези кучаяди. Фосфолипид ва в-липопротеидларнинг етарли миқдорда ҳосил бўлмаслиги, натижасида учацилглицеридлар жигарда тўпланиши кузатилади. Бу ҳолатда гликоген миқдорининг жигарда камайиши ёғ тўқималарида юқори ёғ кислоталарининг жигарга ажралиб чиқишини кучайишига олиб келади.

Организмга CCL4 киритилганда жигар мембранасининг липид компонентлари ва мембрананинг фермент системаси бузилади, бузилган биомембраналарни SH-тутовчи бирикмалар ва антиоксидантлар ва фосфолипидлар ёрдамида тиклаш усуллари адабиётларда ёритилган, Қ.Т.Тожибоев, 1989; А.И.Арчаков, 1990].

Жигарнинг муҳим вазифаларидан бири оксил алмашинуви билан боғлиқ бўлиб, у қонда альбумин, глобулин ва фибриноген каби кўплаб оксилларни мўътадил ҳолда сақлаб туради. Гепатоцитларда барча альбуминлар, 90% гача α -глобулинлар, 50-60% β - глобулинлар синтез бўлса, протромбин, фибриноген ва проконвертин каби оксиллар жигарнинг паренхиматоз тўқималарида синтез бўлади. Жигарнинг ретикулоэндотелиаль тўқималари ва орқа мия плазматик, ретикуляр тўқималарида γ -глобулинлар ҳосил бўлади. Бир кеча кундузда, одам организмида 80-100г оксил ҳосил бўлса, шундан ярми жигарда синтез бўлади. Жигарда ҳосил бўлган оксилнинг асосий қисми аъзо ва тўқималар эҳтиёжини қондиришга сарфланади. Бир кеча-кундузда 12 г қон зардоби альбумини жигарда синтез бўлади. Шу билан биргаликда жигарда гормон ва витаминларни ташувчи транспорт оксиллари ферритин, церулоплазмин ҳам синтез бўлади.

Қондаги оксил миқдорининг ўзгариши жигар яллиғланишлари билан тўлиқ ҳолда бўлмаса ҳам жигар яллиғланишида протеинлар миқдорининг ўзгариши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Оксил ва унинг фракцияларининг ўзгариши жигар яллиғланиши (некроз) ҳолатларини кўрсатиб қолмай, балки жигар ва унинг ретикулоэндотелиаль тизимининг оксил синтез қилиш фаолиятини бузилишидан дарак беради.

Умумий оксил миқдори қон зардобидида, мўътадил шароитда 80-120г/л, шундан 35-50г/л альбуминлар, 25-35г/л глобулинлар бўлиб, альбуминларнинг глобулинларга нисбати 1,5-2,3 га тенг. Жигар яллиғланишида, қон зардобидида умумий оксил ва альбумин, глобулинларнинг ўзгариши кузатилади. Шунга асосан, альбуминларнинг глобулинларга коэффиценти ҳам ўзгариб 1,5 ва ҳатто 1 дан кам бўлиши мумкин. Бу жараён альбуминларнинг камайиши глобулинларнинг ортиши билан компенсация қилинишига қаратилган. Шунингдек, организмга тушган токсик моддаларни зарарсизлантириш учун глобулинларнинг кўпроқ сарф бўлишини кўрсатади. Жигар яллиғланишида альбуминлар синтезининг ишдан чиқиши натижасида унинг миқдори жигарда ва қон зардобидида камайиши кузатилади.

Қон зардобидида альбуминлар миқдори камайиши асосан узоқ муддатли механик жигар яллиғланишида ва жигар циррозида кузатилади. Жигарнинг узоқ вақт яллиғланиши натижасида, жигар хужайраларида оксил синтез қилувчи энзимлар фаолиятининг бузилиши натижасида у ерда оксил синтез бўлиши ишдан чиқади. γ -глобулинлар миқдорининг қон зардобидида камайиши жигар дистрофияси, жигарнинг механик

яллиғланиши ва жигарнинг ёғли дистрофиясида учрайди. Жигарда ишлаб чиқариладиган α_1 - ва β -глобулинларнинг қон зардобидида камайиши, жигар хужайралари яллиғланиши вирусли гепатитда кузатилади. β -глобулинларнинг камайиши жигарнинг ўткир яллиғланиши ва жигар циррозида кузатилади. Жигар циррозининг оғир шаклларида β - ва γ -глобулин фракцияларининг жигар хужайраларида камайиши кузатилади ва бу ҳолат жигар хужайраларида липидлар миқдорининг ортиши билан тўлдирилади [Подымова С.Д., 1984].

Барча сут эмизувчи ҳайвонларда азот оксил алмашувининг охириги маҳсулоти сифатида сийдикчил ҳосил қилишига сарфланади. Сийдик таркибидаги барча азотларнинг 90% и сийдикчил тарзида ажралади. Токсик гепатитда, жигар яллиғланиши натижасида, сийдикчил синтез бўлиш жараёни бузилиши ва қон зардобидида сийдикчил миқдорининг кескин камайиши кузатилади (Қ.Т.Тожибоев, 1999). Сийдикчил синтези учун энергия зарур бўлади. 1 моль сийдикчил синтези учун 3 моль АТФ сарфланади. Жигар яллиғланишида АТФ синтези гепатоцитларда пасайиши муносабати билан сийдикчилнинг ҳосил бўлиши ҳам бузилади.

2. Гепатитда жигарда энергия алмашувининг бузилиши

Митохондрия икки қаватли мембрана билан ўралган. Ташқи мембрана силлиқ юзини ташкил қилса, ички мембрана эса ичкарига параллел йўналган жўякчалар ҳосил қилади. Улар “крита”лар деб аталади. Жўякчаларда электронларни ташилишида иштирок этувчи нафас олиш ва оксидланиши фосфорланиш жараёнида асосий роль ўйнайдиган турли энзимлар ва элементлар жойлашган. Асосий бажарадиган вазифаси ҳосил бўлган энергияни биологик фойдали шакли энергияга айлантириш бўлган митохондрияларни хужайраларнинг “электростанциялари” деб ҳам атайдилар.

Матрикс таркибида Кребс (ёки учқарбонкислоталар) цикли энзимлари жойлашган бўлади. Электронларни ташилиш тизимини ҳосил қилувчи энзимлар ички мембранада жойлашган. Электронларни ташувчи энзимларнинг ҳар бир гуруҳи нафас олиш ансамбли деб аталади ва субхужайравий даражада элементар функционал бирликни ташкил қилади. Масалан, жигар хужайраси митохондрияси 1500 га яқин нафас олиш ансамблига эга. Улар тахминан ҳамма митохондриал мембраналарнинг чорак оғирлигини ташкил қилади.

Матрикс ўзида юзлаб энзимларнинг юқори концентрацияли аралашмаларини сақлайди. Шу жумладан пируват ва ёғ кислоталарини оксидланиши ва лимон кислотаси цикли учун керак бўлган энзимларни ҳам ўзида тутиб туради. Ундан ташқари, у ерда митохондриянинг ДНКси, специфик рибосомалар, т-РНК (ташувчи РНК) ва митохондрия геноми экспрессиясида қатнашувчи ҳар хил энзимлар жойлашган.

Кўплаб бурмача жўякчалар ҳосил қилиб ўзининг умумий юзасини кўпайтирган ички мембранада асосан 3 хил типдаги оқсиллар: 1) нафас олиш занжирида оксидланиш реакцияларини катализлайдиган оқсиллар, 2) матриксда АТФ ни синтезлайдиган АТФ-синтетаза энзим комплекси, 3) матриксга ва ундан метаболитларни ташилишини бошқарадиган махсус ташувчи оқсиллар сақланади.

Ташқи мембрана ўзида массаси 10000 дальтонгача бўлган ҳамма молекулаларни ўткази оладиган кенг канал ҳосил қиладиган оқсилларни сақлайди. Ундан ташқари, бу мембрананинг таркибига липидларни реакцияга киришига қобилияти бўлган интермедиатга айлантирадиган энзимлар киради, улар матриксда кечадиган метаболик жараёнларда иштирок қилишади.

Мембраналараро бўшлиқда бир қанча энзимлар жойлашган бўлиб, улар матриксдан чиқаётган АТФ ни ва бошқа нуклеотидларни фосфорилланиши учун фойдаланилади.

Жигар митохондриясидаги матриксда умумий оқсилларнинг 67%, ташқи мембранада 21%, ички мембранада 6%, мембраналараро бўшлиқда 6% жойлашган. Ана шу 4 та бўлақлар ўзининг бажарадиган фаолиятига мос келадиган маълум энзимлар гуруҳини сақлайди.

Митохондрияларнинг “қриста”лари морфологияси ҳар хил хужайрадаги митохондрияларда турлича бўлади, аммо нима сабабдан турлича бўлиши ҳалигача номаълум. Ундан ташқари, митохондриянинг ўзида, у қайси хужайрада жойлашган бўлса, худди ўша хужайра учун керакли бўлган ва унга хизмат қиладиган махсус энзимларни сақлайди.

Ташқи мембрана ноорганик ионларни ва нисбатан йирик молекулали (молекула массаси 10 000 дан кам бўлмаган) моддаларни, шу жумладан аминокислоталарни, АТФ, сахароза, нафаснинг оралиқ маҳсулотларини ўтказаверади. Бундай юқори ўтказувчанликни асосий сабаби кенг “пора”ли туннели оқсилларнинг борлиги ҳисобланади.

Митохондриянинг ички мембранасининг ўтказувчанлиги жуда паст, бу мембрана орқали фақат кичик молекулали моддаларгина (молекуляр массаси 100 дан кам) ўтиши мумкин.

Шу сабабдан ҳам бу мембранада нафаснинг оралиқ маҳсулотлари каби моддаларни (пируват, лимон кислота цикли метаболитлари), аминокислоталарни, АТФ, АДФ, фосфат, Ca^{2+} ларни ўтказадиган ташувчи тизимлар жойлашган.

Ички мембранани матрикс томонидан ва кристалларда электрон микроскоп ёрдамида думалоқ бошчали диаметри 7-9 мм ли ва 4 мм узунликдаги оёқчали кўзикоринга ўхшаш мембрана АТФ юзасини (элементар заррачаларни) кўриш мумкин.

Улар АТФ ишлаб чиқарилиши учун хизмат қилишади ва энг камида 8 та полипептид занжирдан ташкил топган. Улардан 5 таси бошчаларни ташкил қилиб, айнан ана шулар гидрофил F_1 комплекси ташкил қилади ва шу комплекс АТФ ни ишлаб чиқаради. Бошқа занжирлар гидрофил ва енгил ажраладиган боғловчи омил (оёқчанинг бир қисми) ва мембранага тизилган гидрофил F_0 комплексини ташкил қилади. Охиргиси энергия қабул қиладиган F_1 комплекси билан электрон ташилишини ҳамкорликда ишланишини, яъни бу жараёнда энергия ажралиб чиқишини амалга оширади.

Митохондриянинг ташқи мембранаси ва матриксининг ҳамма оксиллари, ҳамда ички мембрананинг катта қисми митохондриядан ташқарида синтезланади. Митохондрияда синтезланадиган полипептид занжирлар нисбатан гидрофоб ва мембранага маҳкам боғланган (структура оксиллари). Митохондрияни ички мембранасида нафас олиш занжири ва фосфорланиш энзимлари жойлашган ва у ерда АТФ синтезланади.

ССL4ли гепатитда жигар митохондриясида фосфорланиш оксидланиш тезлиги (V_3) пасаяди, V_4 ҳолатдаги оксидланиш эса аксинча тезлашади, бунинг натижасида фосфорланиш оксидланиш кўрсаткичлари Чанс бўйича нафас олиш коэффициенти ва АДФ/О кўрсаткичлари пасаяди. Митохондрия мембранаси тизими фақатгина митохондрия структурасининг асоси бўлибгина қолмасдан, у ўзида хужайра алмашинувини интеграллаштирадиган жуда кўплаб юқори ташкилланган энзим ансамблини сақлайди. Ички мембранада электронларнинг (нафас олиш занжири) ташилишида қатнашадиган энзим комплекслари интеграл оксил сифатида жойлашган. Периферик мембрана оксиллари-турли дегидрогеназалар матриксда жойлашган нафас субстратларини оксидлайди ва улардан олинган водородни нафас олиш занжирига узатади.

ССL4ли гепатитда жигар митохондриясининг нафас олиш занжирида жойлашган сукцинатоксидаза, НАД.Н оксидаза ва цитохром с оксидаза, сукцинатдегидрогеназа ва НАД.Н дегидрогеназаларнинг фаолликлари пасаяди [11,190]. ССL4 таъсирида жигар митохондриясида

АТФаза, сукцинатдегидрогеназа ва цитохром с оксидазанинг фаоллик-ларини пасайишини Н.Х. Абдуллаев ва Х.Я. Каримовлар [1989] ҳам кўрсатишган. Ташқи мембранада фосфолипид ва ёғ кислоталарини фаоллаштира-диган (ацил-КоА-синтетаза), ҳамда моноаминооксидаза энзимлари жойлашган.

Ташқи мембранани ички мембранадан фарқларидан бири у жуда кўп миқдорда холестерол сақлайди, фосфолипидлардан фосфатидилэтанолламин, фосфатидилхолин ва фосфатидилинозитлар кўпроқ.

Ички мембрана “креста”лари оксилларга жуда бой. Унда 25% липидлар, 75% оксиллар жойлашган. Бу оксилларнинг 1/3 периферик ва 2/3 интерал оксиллардан ташкил

топган. Ички мембранада холестерол жуда кам бўлади. Фосфолипидлардан фосфатидилхолин ва кардиолипин кўп, фосфотидилэтанолламин ҳам кўпроқ, аммо фосфатидилинозит жуда кам.

Олинган маълумотларга кўра, ССL4ли гепатитда митохондрия мембранасида фосфатидилхолин, фосфатидилсерин, сфингомиелин, лизокар-диолипин, фосфатид кислота ва лизофосфатид кислоталарнинг миқдорлари кўпайиб, кардиолипин, фосфатидилинозит, фосфатидилэтанолламин, лизофосфатидилхолин, фосфатидилэтанолламинларнинг миқдорлари эса аксинча камайди. Мембраналарни бир бутунлигини сақлашда асосий роль ўйновчи фосфатидилхолин/фосфатидилэтанолламин коэффициент жигар митохондриясининг мембранасида ССL4ли гепатитда 30% га пасаяди. Аммо, ССL4ли гепатитда жигар митохондриясида фосфатидилэтанолламин/лизофосфатидилэтанолламин коэффициенти 1,4 мартага камайса, кардиолипин/лизокардиолипин коэффициенти эса, аксинча 1,8 мартага ошиб кетади. Бу олинган натижалар, ССL4ли гепатитда жигар митохондриясининг фосфолипид таркибини бузилиши, яъни айрим фосфолипидларнинг миқдорларини кўпайиб, бошқаларининг миқдорларини камайиб кетиши эндоген фосфолипаза ва лизофосфолипазаларнинг гидролитик фаолликларини ошиб кетишидан, трансациллаш ва трансалкиллаш жараёнларини эса аксинча пасайиб кетишидан далолат беради. Бу эса митохондриянинг нафас олиши ва фосфорланиши оксидланишини пасайишига олиб келади. Митохондрияда АТФ синтезининг пасайиши хужайраларда АТФ ишгирок этиши шарт бўлган турли физиологик-биокимёвий жараёнларни бузилишга олиб келади.

Кейинги йилларда апоптозда митохондрия асосий роль ўйнаши тўғрисида маълумотлар олинди.

“Апоптоз” атамаси грекча “apoptosis” ўзбекчасига “баргнинг узилиб тушиши” деган маънони билдиради. Бу хужайрани режалаштирилган ўлими, яъни ўзини-ўзи ҳалок қилиш деган маънони англатади.

Хужайра учун апоптоз ҳамма ишни бажариб бўлгандан кейин назорат билан ҳаётдан кетиши. Бунда хужайра таркибини ташкил қилган молекулаларини аста-секинлик билан босқичма-босқич бўлакларга бўлади ва ўша организмни бошқа хужайралари улардан фойдаланишига имкон беради. Апоптозни некроз билан умуман тенглаштириб бўлмайди. Некроз бу хужайрани аввалдан режалаштирилмаган ҳалокати бўлиб, бунинг натижасида нафақат хужайранинг ўзи, балки ёнида жойлашган бошқа хужайралар, яъни тўқималар ҳалок бўлади. Апоптозга қарама-қарши некроз хужайрани бошқарувчи тизими томонидан назорат қилинмайди, натижада хужайрадаги метаболик жараёнлар ҳалокатгага учрайди, липолитик ва протеолитик энзимларнинг гидролитик фаолликликлари максимал

даражада ишлайди. Аммо апоптознинг роли организмнинг индивидуал ривожланишидаги маълум бир босқичларда қатнашиш билангина чегараланиб қолмайди. Агар хужайрага вирус кириб қолса ёки кислородни бир электронли тикланиши маҳсулоти бўлган захарли манбаа ўчоғига айланиб қолган хужайралар апоптоз орқали йўқ қилинади. Натижада ёнида жойлашган соғлом хужайралар вируснинг ўтишидан ёки захарланишидан сақланиб қолади.

Митохондрия ички мембранасининг деполяризацияланиши апоптозни энг биринчи белгиларидан бири эканлиги кўрсатилган. Деполяризацияланиш ҳам, апоптоз ҳам митохондриянинг ички мембранасида ҳосил бўладиган “пора” (туйнук) ларни беркитадиган ингибиторлар томонидан йўқотилади.

Юқорида айтилган митохондриядаги “пора” лар жуда қизиқиш уйғотадиган муаммо. Нима сабабдан митохондриянинг ички мембранаси нормада водород, калий, натрий ва хлор ионларини ўтказмайди, аммо “пора” ҳосил бўлиши билан ундан кичик молекулали ионларни ва массаси 1,5 қдальтон дан паст бўлган ионлашмаган моддаларни ҳаммасини ўтказа бошлайди?

“Пора”ни ҳосил бўлишини циклофилин катализлайди, унинг ингибитори бўлиб циклоспорин А хизмат қилади. “Пора” очилганда митохондрия хужайранинг “электростанция”сидан фойдали энергияни тўпламасдан озуқа моддаларни кислород билан ёндирадиган “ўчок”қа айланади .

Кремер ва унинг ходимлари ядро фракциясига митохондрия қўшилганда ядро структурасида апоптик ўзгаришлар чақириши аниқланди. Ана шундай ўзгаришлар митохондрияда “пора” лар пайдо қиладиган органик гидроперекис ёки хлоркарбонилцианидфенилгидразин (ХКФ) қўшилганда кузатилади, “пора” ҳосил бўлишининг ингибитори ҳисобланмиш цикло-спорин А ва оксил Вc1 2 апоптик эффектини тўхтатади.

Митохондрияни гипотоник эритмада бўртириб шиширганда ёки детергент дигитонин таъсири остида қолдирилганда “апоптик” эффект чақирилиши аниқланган. Бу иккала ҳолатда митохондриянинг ташқи мембранасида узилишлар кузатилади. Муаллифлар бу маълумотлар асосида митохондриянинг ташқи ва ички мембранаси орасида ядрога ҳужум қилиб “апоптоз” чақирадиган омил бўлса керак деган тахмин қилишди. Ташқи мембрананинг ёрилиши ўша омилни у ердан чиқиб ядрога бориши ва ядрони жароҳатлаб “апоптоз” чақиради деган фикрни аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказишди. Уларнинг тахмини ажойиб равишда тасдиқланди. Митохондрия мембраналарининг орасида жойлашган омилнинг молекула оғирлиги 50 қдальтон га тенг

бўлган оксил модда эканлиги маълум бўлди. Бу оксил тозаланиб ядрога қўшилганда хужайрада типик “апопстик” эффект кузатилди.

“Апоптоз” чақирувчи янги оксилни махсус ингибитори, N-бензилоксикарбонил-val-ala-aspartate-фторметилкетон (Z-VAD.fmk) проинтер-лейкин-1βни интерлейкин-1βга айлантирувчи протеазанинг ингибитор-ларидан бири ҳисобланади. Кейинги тажрибаларда ZVDD.fmk хужайрага қўшилганда “апоптоз” ни тўхтатиши ва бу эффект фақатгина сут эмизувчи ҳайвон хужайраларигагина эмас, балки ҳашарот хужайраларига ҳам хос эканлиги аниқланди. Кремернинг фикрича “ўзини-ўзи ҳалок қиладиган оксил” митохондрия мембраналарининг оралиғида сақланади, аммо ядрога кодланади.

3. Гепатитда жигар митохондриясида Ca^{2+} ташилишининг ўзгариши

Хужайранинг меъёрида фаолият кўрсатиши учун Ca^{2+} ни паст миқдорда ушлаб турилишини аҳамияти жуда муҳим, чунки қисқа вақтга бўлса ҳам $[Ca^{2+}]$ ни миқдорини ошиши ҳилма ҳил омиллар: гормонлар, нейромедиа-торлар, ўсиш омили ва антигенлар таъсирини хужайра реакциясида бевосита ифодалаши мумкин.

Ca^{2+} иони хужайра реакцияларида, масалан нерв синапсларида нейромедиа-торларнинг ажралиб чиқиши, мушак хужайрасига адреналин таъсирида гликогенни парчаланиши, мушак толасини қисқарувчанлик фаолияти ва бошқаларда муҳим роль ўйнайди. Аммо цитозолда узоқ вақт давомида Ca^{2+} миқдорини кўпайиши хужайрани ҳалокатга - апоптозга олиб келади.

Ca^{2+} томонидан бошқариладиган кўпчилик жараёнларни хужайра ичидаги ионлаштирилган Ca^{2+} ни 10^{-7} - 10^{-6} М миқдори назорат қилса, тўқималар орасидаги Ca^{2+} нинг миқдори анчагина кўпроқ, яъни 10^{-3} М атрофида бўлади. Эукариот хужайраларнинг плазматик мембранасида, митохондриясида ва эндоплазматик ретикулумида Ca^{2+} ташилиш тизимини сақлайди. Одатда, плазматик мембрана Ca^{2+} каналлари, специфик АТФ-аза ва Na^+/Ca^{2+} алмашинувчи идора этувчи учта тизим сақлайди.

Хужайранинг ичига Ca^{2+} нинг градиент миқдори бўйича кириши, асосан, плазматик мембранада Ca^{2+} - канал бўйича амалга ошади. Ca^{2+} ни у ердан чиқиши эса плазматик мембранадаги Ca^{2+} АТФ-аза ва Na^+/Ca^{2+} алмашинуви орқали бўлади. Хужайрадаги оз миқдордаги $[Ca^{2+}]$ - АТФ-аза билан эндоплазматик ретикулумдаги ва митохондриядаги Ca^{2+} ташувчи тизим фаолияти орқали сақланади. Mg^{2+} ионининг Ca^{2+} дан фарқи цитоплазмада миллимоляр миқдорда бўлиши ва ташқи томонга чиқиб кетмаслигидадир. Бу ионларга нисбатан бундай танлаб ўтказилишни тушунтирувчи гипотезалардан бири Ca^{2+} нинг фосфатлар билан, жумладан хужайранинг асосий энергетик валютаси бўлган АТФ билан эримайдиган фосфат тузлари ҳосил қилиши билан тушунтирилади. Шундай қилиб, бирламчи эволюцион стратегия, олимнинг фикрича, цитоплазмадан Ca^{2+} ни

ортикча элемент сиртига чиқариб ташлаш бўлган. Кейинчароқ хужайрада Ca^{2+} ни градиент миқдори пайдо бўлгандан кейин, қисқа вақт давомида бу ионнинг миқдорини ошишида хужайра бир қатор энзимларни фаоллайдиган ва оксилларни бошқарадиган қандайдир сигнал сифатида фойдалана бошлаган. Митохондрияга Ca^{2+} электрофоретик йўл билан, унинг ишини ички мембрананинг нафас олиш занжирида ҳосил бўлган ва протонни ҳаракатлантирувчи электрик компонентини ушлаб турувчи Ca^{2+} унипортер орқали киради. Унипортер орқали бошқа ионлар, жумладан Sr^{2+} , Mn^{2+} ва Ba^{2+} га ўхшаш ионлар ҳам ташилади. Митохондрияга Ca^{2+} ни унипортер орқали киришини яримкатионрутун қизил самаралик билан ингибирлайди. Митохондриядан Ca^{2+} ни чиқишини асосий механизми электронейтрал $2\text{Na}^{2+}/\text{Ca}^{2+}$ алмашинув ёки Na^{+} га боғлиқ механизм ҳисобланади. Худди шу механизм орқали Sr^{2+} ионлари ҳам ташилиши мумкин. Ca^{2+} нинг Na^{+} га боғлиқ чиқиш механизмини кўплаб ингибиторлари мавжуд, аммо дитиазем ва тетрафенилфосфорил энг кўп фойдаланилади. Na^{+} боғлиқ механизм худди Ca^{2+} унипортер иши каби протон ҳаракатлантирувчи градиент билан $\text{Na}^{+}/\text{H}^{+}$ алмашинуви орқали қўллаб турилади. Митохондрия матриксида Ca^{2+} га сезгир метаболлик реакцияларда бу механизмларни ишпирок этиши тахминан цитозолдаги Ca^{2+} ни миқдорий тебранишлари ва ўзгаришини бошқариш ва митохондрия ўтказувчанлиги индукциясини апоптоз орқали ўзгартириш механизмини ишга туширишдаги роли ҳисобланади .

Ca^{2+} чиқишининг Na^{+} га боғлиқ механизми жигар ва буйрак митохондрияларида асосий ҳисобланади. У Sr^{2+} ва Mn^{2+} ионларини ҳам ташийди, аммо бу жараён Ca^{2+} ташилишига нисбатан секинроқ бўлади. Бу механизм ноэлектроген ҳисобланади ва Ca^{2+} ни икки H^{+} ионига ва баъзан митохондриядаги Ca^{2+} циклида $\text{Na}^{+}/\text{Ca}^{2+}$ алмашинувни паст фаоллигини тушунтиришда фойдаланилади. Ca^{2+} ташилишини унипортер ва $\text{Na}^{+}/\text{Ca}^{2+}$ алмашинуви механизмларидан ташқари, лигандлар таъсирига турғун Na^{+} га боғлиқ Ca^{2+} чиқишини Ca^{2+} га боғлиқ сохалар билан юқори тезликда боғланадиган ва кутилганидек Ca^{2+} чиқишини специфик ташувчисини тўсиб қўядиган механизмлар ҳам ишга тушади. Бошқа томондан Ca^{2+} нинг Na^{+} га боғлиқ чиқиши митохондрияда фаол ташилиш тизими борлиги назарда тутилган ҳолда оксидланишни фосфорланишдан ажралишида ҳам ингибирланади. Бу ташувчи тизим $\text{Na}^{+}/\text{H}^{+}$ антипортер билан биргаликда физиологик шароитда митохондрияда Ca^{2+} озроқ бўлганида ички мембрана орқали Ca^{2+} нинг доимий айланишини таъминлайдиган ташилиш циклини таъминлайди.

Ca^{2+} ни физиологик ташилишидан ташқари, ишемияда ва оксидланиш стрессада кузатиладиган цитозолда Ca^{2+} нинг миқдори аста-секинлик билан ва сезиларли даражада ошиб борадиган ва митохондрияда Ca^{2+} ни кўпайтириб юбориши билан боғлиқ бўлган бутунлай бошқача механизм мавжуд. Бунда митохондрияда экзоген нуклеотидларнинг

бўлмаслиги ва ноорганик фосфатнинг ёки перекисларнинг бўлишида, Ca^{2+} нинг кўпайиб кетиши циклоспорин А га сезгир “пора”ларнинг очилиши ҳисобига митохондриянинг ўтказувчанлигини ўзгартириб юборади.

Halestrap A.P., Davidson A.M. ларнинг тахминлари бўйича, цикло-спорин А га сезгир “пора”лар митохондриянинг ички ва ташқи мембрана-ларининг ўртасидаги туташган соҳаларда шаклланади ва ўзида АДФ/АТФ антипортерни, потенциалга боғлиқ анион канални ва циклофилин Д ни сақлайди: 1) “пора”нинг очилиши АДФ/АТФ антипортер лигандларига сезгир бўлади; 2) ҳамма субстратлардан фақат АДФ/АТФ антипортер субстратлари (АДФ, dАДФ, АТФ) “пора”лар билан ҳамкорлик қилиб митохондрия ўтказувчанлигини ўзгартириб юбориши аниқланган; 3) АДФ/АТФ антипортер дарвоза “пора”лари сифатида таъсир кўрсатади; 4) субстратларнинг ташилишида АДФ/АТФ антипортер икки конформацион ҳолатида бўлади: m конформация (нуклеотидларни боғлаб олиш соҳаси ички мембрананинг матрикс томонида пайдо бўлади) ва c конформация (боғлаш соҳаси цитоплазма томонида пайдо бўлганида). Мембранани ҳар томонида боғлаб оладиган антипортер ингибиторлар қарама-қарши таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлади: “цитоплазматик” ингибиторлар (c конформацияда АДФ/АТФ антипортер билан боғланадиган) атрактилат, карбоксиатрактилат ва ацил КоА лар “пора”лар индукциясини стимуллайдди, “матриксли” ингибитор эса (яъни антипортер билан m конформацияда боғланадиган) кислота уни очилишига тўсқинлик қилади.

Циклоспорин А га сезгир “пора”ларнинг диаметри 2,0 - 2,6 нм га тенг деб ҳисоблашади. “Пора” очиқ ҳолатда икки конформацияда: паст ва юқори ўтказувчанликда бўлади. Циклоспорин А га сезгир поралар паст ўтказувчанлик ҳолатида молекуляр оғирлиги 300 дальтон гача бўлган бирикмаларни, шу жумладан H^+ , Ca^{2+} ёки K^+ га ўхшаган ионларни ҳам ўтказида. Бу ҳолатда митохондрия мембранасининг “пора”си жароҳатланмайди ва унинг фаолиятида, яъни матрикс ҳажми бошқарилиши ва мембрана потенциалида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайди ва Ca^{2+} нинг митохондрияга кириши билан кечадиган матрикс рН ўзгариши бошқарилади, ҳамда Ca^{2+} сигналлаш тўри хужайрани нормал ҳаёти давомида митохондриядаги канал орқали Ca^{2+} ни хужайра ичига киришида ишпирок этади. Юқори ўтказувчанлик ҳолатида “пора”ни тахминан **1,2 nS** тенг бўлган ўтказувчанлик сақлайдиган матрикс доменида икки Ca^{2+} ионини кооператив боғланишини фаоллайдиган канал сифатида тавсифланади. Бу конформацияда очилган “пора”лар *in vitro* транс мембранали протон градиентини тўлиқ ва турғун пасайтиради, хар- хил ионларнинг чиқишини (Ca^{2+} га ўхшаш) ва унча катта бўлмаган молекулаларни (пиримидинли ва адениннуклеотидларга ўхшаш), ҳамда ўлчаш мухитидан баъзибир

компонентларни матриксга (сахарозага ўхшаган) диффузиясини таъминлайди. Юқори ўтказувчанлик ҳолатида Ca^{2+} потенциал ва рН боғлиқ канал белгилари пайдо бўлади, ҳамда редокс ва фосфатли потенциаллар модуллади. “Пора”ни очиклиги циклоспорина А ни ингибирлаш эффектини тушунтириб, митохондрияни циклофилин матриксли домени билан боғланишини бошқаради. “Пора”ни очиклиги нафас олиш занжирининг иши натижасида ҳосил бўлган кислородни реактив шакли ва митохондриянинг нафас олиш занжиридаги комплекс орқали электрон ташиш тезлиги билан ҳам бошқарилади.

Митохондрия ичидаги Ca^{2+} “пора”ни паст ўхшашиқ соҳаси билан боғланиш ҳисобига фаоллаштиради ($K_d + 25 \text{ мкМ}$). Бунда Ca^{2+} иони физиологик миқдордан юқори ($>10 \text{ мкМ}$) бўлганда порани очилишига олиб келиши кўрсатилган, аммо паст миқдорда эса бошқа рағбат таъсирида “пора”ни индукциясини фақат енгиллаштиради. Очик “пора”ни конформацион ҳолати митохондрияда Ca^{2+} ташилиш тезлигига сезиларли даражада боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Митохондрияга кўплаб миқдорда Ca^{2+} нинг бирдан кириши рН-га боғлиқ паст ўтказувчанлик конформацияда ҳам “пора”ларни очилишига олиб келиши мумкин, Ca^{2+} нинг оҳисталик билан кириши эса юқори ўтказувчанлик ҳолатида канални очилишига олиб келади.

Ажратиб олинган митохондрияларда адениннуклеотидлар Ca^{2+} ва ноорганик фосфат ёки Ca^{2+} ва оксидланиш стресси томонидан чақирилган “пора”ни очилишини ингибирлайди. Аввалдан очилган “пора”ни АДФ сезиларли даражада ёпиш эффектига эга. Бошқа томондан, “пора” индукциясини олдини олишга адениннуклеотидлардан фойдаланилганда энг самаралиси АТФ эканлиги маълум бўлди. Бу индукция жараёнига адениннуклеотидларни таъсиридаги фарқ АДФ ва АТФ адениннуклеотид-транслоказага яқинлиги билан боғлиқ эмас. Бу “пора” компонентларига адениннуклеотидларнинг таъсир эффекти асосида турли механизмлар ётганлигини тахмин қилиш мумкин. Эхтимол, “пора”ни очилишига АТФ нинг таъсири митохондриянинг ташқи мембранасидаги киназа билан бўлган ўзаро таъсирга боғлиқдир, АДФ таъсири оқибатида очилган “пора”ни ёпилиши, яъни ингибирланиши митохондриянинг ички мембранасидаги адениннуклеотидтранслоказа билан тўғридан тўғри боғланиши ҳисобига бўлиши мумкин.

Ca^{2+} билан бир қаторда оксидланиш стресси “пора”ни асосий индукторларидан бири ҳисобланади. “Пора”ни *in vivo* ёки *in vitro* оксидланиш стресси шароитида очилиши глутатион, НАДФ.Н ва НАД.Н ларни оксидланишида ҳам бўлиши мумкин. Ундан ташқари оксидланиш стресси шароитида эндоген фосфолипазалар фаоллашади, уларнинг реакция маҳсулотларига ҳам “пора”ни индукторлари киради. Broekemeier K. M., Prtiffer D.R. ларнинг фикрича, “пора”га фосфолипидлар гидролизи маҳсулотларини таъсири

асосида уларнинг мембрана потенциални ўзгаришга олиб келадиган фосфорланишни оксидланишдан ажратувчи хусусиятлари сабаб бўлади.

Ҳозирги пайтда циклоспорин А га сезгир “пора”ларни ҳар- хил хужайра жавобини бошқаришдаги биокимёвий ва физиологик фаолияти кенг муҳокама қилинмоқда. Ca^{2+} нинг ташилишини кучайтирувчи гормонлар таъсирида цитозолдаги якка ва кетма кет қайтариладиган Ca^{2+} сигналлари тўлқини пайдо бўлади. Митохондрия ҳам Ca^{2+} миқдорини даврий интенсив ва қисқа ўзгаришларини сезади. Бунда митохондрия юқори локал миқдордаги Ca^{2+} ни етарли даражада юқори тезликда сўриб олади ва натижада митохондриядаги Ca^{2+} унипортерни фаоллаштиради. Ca^{2+} нинг митохондрияга кириш тезлиги сезиларли даражада юқори бўлганидан, матрикс рН ўзгаради, митохондрияда Ca^{2+} ни чиқариб ташловчи канал сифатида фаолият кўрсатаётган паст ўтказувчанлик ҳолатидаги “пора”лар очилади.

Бунда митохондриядан цитозолга Ca^{2+} чиқиши кузатилади. Цитозолдаги Ca^{2+} нинг миқдорини оҳисталик билан ошиб борилишида бутунлай бошқача манзара кузатилади. Бундай шароитда митохондрияга Ca^{2+} унипортер ҳисобига кириши сезиларли даражада секин амалга ошади. Бунда митохондрияга Ca^{2+} нинг сўрилиш жараёнида матрикс рНни амалий жиҳатдан ўзгаришга учрамайди, натижада паст ўтказувчанлик шароитида “пора”ни очилишини олдини олади. Юқори ўтказувчанлик ҳолатда Ca^{2+} ни ҳаддан ташқари кўп сўрилишида “пора”лар очилади, натижада митохондриянинг функцияси бузилади, мембрана потенциални сезиларли даражада пасайиб кетади ва митохондрияни юқори амплитудали шишиб кетиш ҳолатига олиб келади. Бундай жараёнларнинг кечиши натижасида хужайра ҳалокатга: некроз ёки апоптозга учрайди.

Ca^{2+} иони хужайра ичида кечадиган жуда кўплаб жараёнларни, шу жумладан энергия ҳосил бўлишини ҳам бошқаради. Бундай бошқарилиш тўғридан тўғри Ca^{2+} ионини нишон энзимга аллостерик тасири орқали ёки нишон энзимни фосфорилланиши/дефосфорилланишини катализлайдиган ҳар хил протеинкиназа ва протеинфосфатазаларнинг фаоллашуви/ тормозланиши йўллари билан амалга оширилади. Ҳозирги пайтда Ca^{2+} иони митохондрияда АТФ синтезини уч карбон кислота циклидаги бир неча дегидрогеназаларни фаоллигини кучайтириши ҳисобига бошқаради деган фикр қабул қилинган. Яқинда Евтодиенко Ю.В. ва б. [2000] хайвон жигари митохондриясида АТФ ни синтези ва гидролизига, физиологик диапазондаги (10^{-8} - 10^{-6} М) Ca^{2+} нинг митохондрияга сўрилиш таъсирини ўрганди.

ХУЛОСА

Митохондриянинг нафас олишида АТФ нинг максималъ синтези ва гидролизи $5 \cdot 10^{-7}$ М Ca^{2+} кўшилганда кузатилиши аниқланди. Митохондрияга кўшилган Ca^{2+} миқдорининг 10^{-8} М гача камайиши ёки $5 \cdot 10^{-6}$ М гача кўпайиши фосфорланиши оксидланиши ва АТФ гидролизини пасайишига олиб келиши аниқланди. Митохондриянинг ички мембранасида кўшилган Ca^{2+} нинг миқдорига қараб фосфорланиши оксидланиш тезлиги ва 3,5 кдальтон - пептид даражаси орасида корреляция борлиги маълум бўлди. Митохондриядаги фосфорланиши оксидланишга Ca^{2+} ни ингибирловчи таъсирини биологик маъносини ҳозирги пайтда тушунтириш қийин. Бу ингибирланиш митохондриядаги электронларни қайтар ташилишини (ФАД дан НАД га) кучайиши, НАД·Н ва НАДФ·Н миқдорининг ошиши натижасида, хужайрада биосинтезни тикланишини тезлаштиради деган тахминлар бор.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, биз олдимизга ҳар хил миқдордаги Ca^{2+} ионини митохондриядаги оксидланиши фосфорланиш АТФ синтезига, нафас олиш занжирида жойлашган оксидазалар ва ретенонни сезмайдиган НАД·Н-оксидазанинг фаолликларига, ҳамда цитохром c нинг митохондриянинг ички мембранасига “кўшилишига” таъсирини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. 1996й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1992й.
3. Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан кураимиз. 1999й.
4. Алматов К.Т., Ахмеров Р.Н., Зарипов Б.З., Иргашев М.С., Алламурастов Ш.И. Методические указания к лабораторным занятиям по курсу «Физиология человека и животных», ч. 1 // Ташкент: Университет 1993. 50с.
5. Алматов К.Т. Ферментативный превращение фосфолипидов мембран митохондрий. Ташкент. Университет, 1993. 30с.
6. Азизова Д.Л., Исраилов Р.И. Морфологические и морфометрические особенности щитовидной железы при экспериментальном гепатите и коррекции кобавитом. // Патология. Масква. 2005. №1, С.7 – 10.
7. Арчаков А.И., Адрианов Н.В., Карузина И.И. Цитохром Р-450 и окислительная модификация макромолекул // Вестник АМН СССР Масква 1990. №2, С.21-27.
8. Андреев А. Ю. Михайлова Л.М. Старнов А.А. Закрытие Ca^{2+} - зависимой поры ЦсА: роль Mg^{2+} , адениновых нуклеотитов и конфор мационного состояния АДР/АТР- антипортера. Биохимия. Масква. 1994. Т.59 С.1589-1597.

9. Арипов А.Н. Повреждение мембран эндоплазматического ретикулума печени при CCL4овых гепатитах и репарация их фосфолипидными препаратами. // Автореферат дисс. д.м.н. – Москва. 1989. 49с.
10. Баратова М.Р. Некоторые механизмы нарушения функционирования митохондриальной ферментной системы печени при токсических гепатитах и возможность их коррекции берберин бисульфатом //Автореф. дисс. канд. биол. наук. Ташкент, 2004. 19 с.
11. Блатневская Г.И., Яковлева О.А, Медведь З.С. и др. Метаболические передикторы гепатотоксического действия тетрахлор-метана у крыс. Токсикол. вест. 1998, №1. С. 21-25

2 БОБ. ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА АШЁЛАРИ.

Ҳайвонларни сақлаш ва тадқиқотлар ўтказиш шароитлари.

Ишимизда шиншил зотли, турли жинсдан, оғирлиги 1,8-2,8 кг бўлган қуёнлардан фойдаландик. Текширув вақтида барча ҳайвонлар 10 гуруҳга бўлиб озиқ-овқат ва сув уларга етарлича берилган ҳолда ўрганилди.

CCL4 таъсирида токсик гепатит чақириш.

CCL4 таъсирида ҳайвонларда токсик гепатит чақириш учун ҳайвонлар териси остига CCL4 нинг ўсимлик ёғидаги 50% ли эритмасидан 0,5 мг/100 г оғирлигига нисбатан ҳар ҳафтада бир мартадан икки ой давомида юборилди.

Ўзбекистон шифобахш дамламаси CCL4 таъсир эттирилишининг иккинчи ойида ҳар куни 1 кг оғирликка нисбатан 7 мг/кг дан бир ой давомида овқат билан берилди..

Липидларнинг миқдорини аниқлаш.

Липидларини экстракция қилиш. Липидлар экстракцияси Блай ва Дайер [Bligh E.G., Dayer W.J., 1959] усули билан баъзи бир ўзгартиришлар орқали амалга оширилди ..

Тўқима ёки митохондрияларга 2 мл хлороформ-метанол (1:2) нисбатда қўшилиб гомогенизацияланади, 30 дақиқадан сўнг ўлчами 20 мл ли шифли пробиркага филтрлаб олинди. Филтрда қолган чўкма 3 мартаба хлороформ : метанол (1:2) билан ювилди. Қўшимча хлороформ : метанол (1:2) билан ювиш лизофосфолипидларни ва нордон фосфолипидларнинг тўлиқ эришини таъминлайди. Филтратга 0,74% ли калий хлорид эритмасидан 2 мл қўшиб чайқатилади, бунда хлороформли ва сув-метанолли фазалар

ҳосил бўлади. Юқори фаза аниқ ажралгач, уни ажратиб олинди. Йиғиб олинган хлороформли экстракт 3 мартаба 1 мл дан хлороформ-метанол-0,74% KCl (2:19:18) аралашмаси билан ювилди. Ювилгандан сўнг умумий ҳажмининг 1/10 қисми олиниб, қуритилади сўнг ундаги умумий липидларни 5-10 мл хлороформ-метанол (2:1) аралашмасида эритилди.

Экстрактдаги фосфолипидларнинг умумий миқдорини ундаги фосфор миқдори бўйича, хлор кислотаси билан қуйдирилиб, сўнгра Васковский [Voskovsky V.E et al., 1975]. реактивдан фойдаланиб аниқланди.

Тўқима ёки митохондриянинг фосфолипид таркибини аниқлаш юпқа қаватли хроматография усули ёрдамида устига КСК маркали силикагел билан қопланган [Бергельсон Л.Д. ва б.,1981] (№) 6x9 см шиша пластинкада амалга оширилди. Пластинкаларни ишлатишдан олдин 100⁰С ҳароратда 20 дақиқа давомида фаоллаштириб олинди сўнг устига бир томондан 1 см масофа қолдирилиб, тўқима ёки МХ дан ажратиболинган липид намуналарининг хлороформ-метанолли эритмаси шиша капилляр ёрдамида 10-15 мкл миқдорда томизилди ва қуйидаги таркибли эритмада 1чи йўналиш хлороформ-метанол 28% аммиак (65:25:5) ва 2чи йўналиш хлороформ-ацетон-метанол-сирка кислотаси-сув (6:8:2:1) шиша камераларда хроматография усули орқали фракцияларга ажратилди.

Фосфолипидларни идентификация қилишда [Бергельсон Л. Д ва б, 1981]: аминсақловчи фосфолипидларни нингидринли реактив билан, холин сақловчи фосфолипидларни Драгендр реактиви билан, ҳамда “тувоҳлар” ёрдамида аниқланди. Бунинг учун пластинкани йодли камерага қўйиб фосфолипид фракциялари бўяб олинди сўнгра ингичка нина билан фракциялар чегараси белгилаб олинди. Ундан кейин йодни учуриш учун пластинкани 110⁰Сда 15 дақиқа давомида қиздирилди. Таркибида фосфолипид фракциялари жойлашган силикагелни эҳтиёткорлик билан қириб олиниб, шиша пробиркага солинди (ҳар бир доғли силикагелни алоҳида-алоҳида пробиркага), устига 0,2 млдан хлор кислотаси (72%) қуйилди ва 20 дақиқа давомида 200-220⁰С ҳароратда липидлар қуйдирилди [Voskovsky V.E., 1975]. Пробиркадаги аралашмани яхшилаб аралаштирилди ва 15 дақиқа давомида қайнаб турган қиздирилди. Совигандан кейин сликогелдан ажратиб олиш учун центрифуга қилинди ва 830 нм тўлқин узунлигида спектрофотометрда фосфолипидларнинг миқдори аниқланди. КН₂РО₄ ли стандарт эритма билан калибр эгри чизиғи тузилди. Бу усулнинг сезгирлиги доғдаги фосфорни 1-20 мкггача аниқлайди.

Липидларни идентификациялаш. Умумий липидлар хроматограммаси йод боғлари устига жойлаштирилди. 2-3 соатдан кейин оқ фонда липид фракцияларини

доғлари пайдо бўлади. Йод буғларидан олиниб хроматограмма фосфолибден кислотасини 10% ли спиртли эритмаси билан ювилди. Сўнгра, липид фракциялари бир неча “тест”лар ёрдамида идентификация қилинди. Стеринлар ва уларни эфирлари сирка ва сульфат кислота (1:1) аралашмаси ёрдамида топилди. Холестерин ва унинг эфирлари темир хлорид билан ишланганда бинафша-қизил рангли доғлар ҳосил қилади. Эркин ёғ кислоталари бромкрезол кўки билан ишланганда кўк рангли доғ ҳосил қилади. Умумий липид фракцияларини аниқлашда рангли “тест”лар билан бирга “тувоҳ”лардан ҳам фойдаланилди. “Тувоҳ”лар сифатида холестерин, олеин кислота, стеарин кислота ва бошқалардан фойдаланилди.

Фосфолипидларни идентификациялаш. Фосфолипидларни идентификациялаш учун рангли реакциялардан фойдаланилди. Таркибида холин сақловчи фосфолипидларни Драгендр реактиви ёрдамида аниқланди. Аминогурухи бўлган фосфолипидлар нингидрин эритмасидан пуркаб 100⁰С да 15 дақиқа қиздирилганда бинафша-қизил рангли доғ ҳосил қилади. Глицерин ва инозитни аниқлашда кумуш аммоний нитрат фойдаланилди. Пластинкага пуркалгандан сўнг, 110⁰С да жигар ранг доғ ҳосил бўлгунча қиздирилади. Сфинголипидлар иштироки гипохлоридли реактив ёрдамида бензидинли реактивни пуркаш йўли билан аниқланди. Сфингозин тутувчи липидлар кўк рангли доғ пайдо қилади. Фосфатид кислота ва лизофосфолипидларнинг миқдорлари камлиги туфайли уларнинг рангли “тест”лар билан аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун лизофосфатидилхолин, лизофосфатидилэтанолламин, фосфатид кислота, лизофосфатид кислота, лизокардиолипидларни аниқлашда “тувоҳ”лардан фойдаландик.

Триацилглицеридларни жигар экстрактида Лахема фирмасининг тўплами (Прага, Чехия) ёрдамида аниқланди.

Триацилглицеридлар калий ишқори ёрдамида совинланди, натижада глицерин ҳосил бўлиб, унинг оксидланишидан формальдегид ҳосил бўлади. Ацетилацетон таркибида бўлган реактив формальдегид билан ўзаро таъсир этиб 3,5-диацетил 1,4-дигидролугидин ҳосил қилади. Ҳосил бўлган эритма рангининг интенсивлиги ФЭК да ўлчанди.

Эркин ёғ кислоталари миқдорини аниқлаш. Жигар, митохондрияларида эркин ёғ кислоталарининг миқдори спектрофотометрда 515 нм тўлқин узунлигида родамин бж иштирокида муаллифлар таклиф этган усулда [Anderson M.M., McCarty R.E., 1972] аниқланди. Бунинг учун олинган тўқима гомогенатларини эркин ёғ кислоталарнинг миқдорининг экстинкция коэффициенти (E_{515}) родамин бж ни бензолли экстракти Anderson бўйича тайёрланди. Палмитин кислота эритмасидан фойдаланиб, колибирлаш эгри чизиғи тузилди.

Сувда энзимли липолиз тезлигини аниқлашни спектрофотометр усули маълум вақт ўтганидан кейин реакцияни тўхташига асосланган. Ундан кейин ҳосил бўлган маҳсулот эркин ёғ кислоталари реакцион муҳитдан органик эритувчи фазага ўтказилиб, у ерда уларнинг миқдори аниқланади. Липидларнинг энзимли гидролизини ўлчаш учун фойдаланилган органик эритмалар ана шу муҳитнинг ўзида эркин ёғ кислоталарни ҳосил бўлиш тезлигини аниқлаш имконини беради. Бензолли эритмадаги липидлардан 0,1мл олиб, 2,7мл мицелларли эритма сақловчи спектрофотометр кюветасига солиниб реакция бошланади.

Умумий липидларнинг миқдорини аниқлаш. Жигардаги липид миқдорини [Кейтс М., 1975] усули билан аниқланди. Жигардан липидларни хлороформ-метанол (2:1) аралашмасида экстракция қилинди. Экстракт сувда эрувчи бирикмалардан ювиб тозалангач, экстрактнинг бир қисми қуритилди ва тортма усулда липид миқдори аниқланди.

Липид миқдорини аниқлаш учун 300-350 мг жигар тортиб олиниб хлороформ : метанол (2:1) аралашмасидан (1:20) нисбатда қўшилиб, гомогенизация қилинди ва 60 дақиқа давомида хона хароратида аралаштирилиб турилди. Унинг устига 25мл га етгунча яна хлороформ : метанол (2:1) аралашмаси қўйилди. Сўнгра қоғоз филтёрда филтёрлаб олинди. Липидларни экстракцияси тўлиқ бўлиши учун филтёр қоғозда қолган тўқима қолдиғини устига 5мл хлороформ : метанол (2:1) аралашмаси қўйилиб ювилади. Липидлар эритмасидан сувда эрувчи липид бўлмаган моддаларни ажратиш ташлаш учун липидлар эритмаси дистилланган сув билан ювилди. Баландлиги 6-7см ва диаметри 3см ли стакан олиб, устига 10-20мл сув қўйилди. Шу стаканга хажми 10 мл ли резинали “груша” ёки шприц уланган маҳсус пипеткада 10мл миқдордаги липидли экстракт солинди. Шу жараёнда пипеткани учи стакандаги сувни ичига тегиб туриши лозим ва стакандаги сув чайқалиб кетмаслиги шарт. Кейин стаканни устига яна сув қўйилади ва 500-600мл ли идиш ичига туширилди, усти ойна билан ёпиб бир кечага қолдирилди. Бунда сувда эрувчи бирикмалар сувга диффузия бўлиб ўтади. Эртаси куни стандартдаги липидлар эритмаси учта аниқ фазага бўлингани кузатилди: юқориси сувли-метанолли (тиник), пасткиси хлороформли (лойқа) ва ўртада протеолипидларнинг зич оқ пардаси ҳосил бўлди. Кичик стаканни шиша идишдан олиниб сувли-метанолли қатлам сув оқимли насос ёрдамида оқ пленкани бузмасдан охисталик билан сўриб олинди. Сўриб олингандан кейин оқ пленка устида одатда 2-3мл ли суюқлик қолади. Оқ пленкани эритиш учун стаканни устига томчилатиб 3мл метанол қўйилди. Агар пленка эриб кетмаса ва аралашма тиник ҳолатга келмаса, лойқа бутунлай йўқолмагунча метанолни томчилатиб қуйиш давом эттирилади. Аралашмадаги пленка эриб кетиши билан аввалдан тарозида тортиб қўйилган бюксга

липид эритмаси қўйилади ва қуритиш жараёни 50-60⁰С ҳароратли термостатда олиб борилади. Кейин иккинчи марта бюксни оғирлиги ўлчанади ва натижада бюксда чўкиб қолган липид миқдори аниқланади. Тўқималардаги липид миқдори қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$x = \frac{a \cdot 2,5 \cdot 100}{D}$$

Бу ерда x тўқимадаги липид миқдори (мг %да), а бюксдаги липид миқдори (мг да); D тўқима оғирлиги (г да); 2,5 ҳисоблаш учун олинган коэффицент.

Оқсил миқдорини аниқлаш.

Жигар тўқимаси ва митохондриясида оқсил миқдорини аниқлаш учун қўйидаги эритмалар тайёрланди (Lowry et al., 1951).

1) Фолин реактивини таёрлаш учун тескари совуткич билан жихозланган колбали мослама йиғилади. Колбага 1л реакция ўтказиш учун вольфрамат натрий (100г), фосформолибден кислота (20г), 50 мл 85 фоизли фосфорли кислота ва 750 мл дистилланган сув солинади. Колбага тескари совуткич ўрнатилиб, аралашма 10 соат давомида қайнатилади. Ундан кейин колбадаги эритма устига 5 томчи бромли сув қўшиб, дистилланган сув билан 1л га етказилади ва 15 дақиқа тескари совуткичсиз қайнатилади, сўнгра совутилиб, музлатгичда сақланди. Бу реактивдан узоқ вақт давомида фойдаланиш мумкин.

2) А реактивни тайёрлаш учун 2% ли Na₂CO₃ ни 0,1 н NaOH га қўшилади. Бу реактивни 25 кун давомида ишлатиш мумкин.3) Б реактив, мис купоросининг (CuSO₄ 5H₂O) вино кислотали натрий (Na₂C₄H₄O₆) билан биргаликдаги сувли эритмасидан ташкил топган.

$$L=0,5 \text{ см ли кюветада} - h=750 \text{ нм.}$$

Митохондриядаги оқсил миқдори фотоэлектрокалориметрни қизил фильтрида эритмага нисбатан ўлчанади.

Митохондрийдаги оқсил миқдорини аниқлаш учун, энг аввал альбуминли намуна билан колибирли эгри чизик тузиб олиш керак. Бунинг учун 1мл 0,1Н NaOH эритмасида 10мг альбумин солиб яхшилаб аралаштирилиб қўйилди. Хар бир гуруҳда 3 тадан 5 та гуруҳ пробиркалар тайёрланди. 1-сига 0,4 мл H₂O; 2-сига 0,2 мл альбумин эритмаси (0,2мг) ва 0,38 мл H₂O; 3-сига 0,05 мл альбумин (0,5 мг) ва 0,35 мл H₂O; 4-чисига 0,1мл альбумин (1мг) ва 0,3 мл H₂O; 5-сига 0,2 мл альбумин (2 мг) ва 0,2 мл H₂O қўйилади. Ҳамма пробиркалардаги эритманинг ҳажми 0,4 мл га келтирилди.

Сўнгра пробиркаларга 2,5 мл С реактиви қўшилди, орадан 10 дақиқа ўтгач 0,25 мл Е реактиви қўшилди ва яхшилаб аралаштирилди. Пробиркалар қоронғи жойда 30 дақиқа

сақлангандан кейин ҳосил бўлган ранг зичлиги фотоэлектрокалориметрда (қизил ёруғлик филтёрда) оқсил миқдори ўлчанди. Ҳар бир пробиркалардан (3 та пробиркадаги) ранг зичлиги кўрсаткичи умумлаштирилиб, ўртача миқдори топилди ва шунга кўра колибрлаш эгри чизиғи тузилди.

Экстинкцияси ва уларга мос келадиган оқсил концентрацияларини билган ҳолда экстрополяция йўли билан, яъни абцисса ва ордината ўқларидаги кесишган нуқтани топиб, ушбу намунадаги оқсил концентрацияси топилди.

2.4. Липидларнинг перекисли оксидланишини аниқлаш.

Жигар тўқимаси ва митохондрияларда НАДФН ва аскорбатга боғлиқ липидларнинг перекисли оксидланиш тезлигини Ю.А. Владимиров и А.И. Арчаковлар [1972] томонидан ишланган микроусул билан тиобарбитур кислота ёрдамида аниқланди. Ўлчаш муҳити 1мл да: 0,2мМ $\text{Na}_4\text{P}_2\text{O}_7 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$; 1мМ НАДФН (ёки 0,8мМ аскорбин кислота); 0,012мМ Мора тузи ($\text{FeSO}_4(\text{NH}_4)_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$); 50 мкл жигар ёки митохондрия аралашмаси; 50мМ трис HCl -буфер (рН 7,4) лардан ташкил топди. Назорат учун олинганида НАДФН (ёки аскорбин кислота) дан ташқари ўлчаш муҳитини ҳамма компонентлари солинган. Текширишга олинган синамалар 37С ҳароратда 20 дақиқа давомида доимий равишда чайқатилиб, аралаштирилиб турилди. Кейин уларнинг устига 1 мл 30% ли учхлоркислотаси солиниб реакция тўхтатилди. Сўнгра 10 дақиқа давомида 6000 айланма/тезликда центрифуга қилиниб чўкма ажратилди. Ундан кейин 1,5 мл центрифугатга 0,3 мл 0,6 М ва 1,2 мл 0,12 М ли тиобарбитур кислотаси қўшилди. Пробиркада ҳосил бўлган рангни кучайтириш учун пробиркаларни 100С ҳароратли сув ҳаммомида 10 дақиқа давомида инкубация қилинди. Ҳосил бўлган рангнинг оптик зичлиги спектрофотметрда 535 нм да ўлчанди. Ҳосил бўлган малондигидроксиацетоннинг (МДА) миқдорини $1,56/10 \text{ см}^{-1}$ моляр экстинкциядан фойдаланиб ҳисоблаб топилди. Липидларнинг перекисли оксидланиш реакциясининг тезлигини нмоль МДА/мг оқсил/мин. да белгиланди.

2.5. Супероксиддисмутазаининг фаоллигини аниқлаш.

Жигарда ва унинг митохондрияларида супероксиддисмутазаининг фаоллигини ишқорий муҳитда нитротетрозоль кўкини тикланиш фоизи бўйича аниқладик [В.Г.Мхитарян, Г.Е.Бадалян, 1978]. Тикланган нитротетрозоль кўкини тормозланиш фоизи (Т%) бўйича ҳисоб олиб борилди:

$$T\% = E_k - E_0 / E_k \cdot 100\%$$

Супероксиддисмутазаининг фаоллиги юқоридаги формула билан ҳисобланди: А шартли бирлик/дақиқа мг оқсилда = $(T\%/100 - T\%) \cdot 0,2 \cdot N/\text{оқсил}$. Бу ерда: А энзимнинг фаоллиги (шартли бирлик да/дақиқа мг оқсилда), Т% - тормозланиш фоизи, 0,2 олинган

супернатантни миқдори, N текшириш учун олинган тўқима ёки митохондрияларни суюлтирилиши.

2.6. Каталазани фаоллигини аниқлаш.

Жигарда ва унинг митохондрияларида каталазанинг фаоллиги М.А. Коралюк усули [1998] . билан аниқланди. Бу усулнинг ишлатилиш принципи водород пероксидини молибден тузи билан турғун сариқ ранг ҳосил қилишига асосланган. Бўялиш интенсивлигини 410нм тўлқин узунлигида спектрофотометрда аниқланди. Каталазанинг фаоллигини тажрибага олинган проба билан тўқима ёки митохондрия солинмаган пробалар ўртасидаги фарқни $22,2 \cdot 10^3 \text{ моль}^{-1} \text{ см}^{-1}$ моляр экстинция коэффициентидан фойдаланиб ҳисобланди ва олинган натижалар мкмоль H_2O_2 /дақиқа мг оксилда ифодаланди.

Адениннуклеотидлар миқдорини аниқлаш

Жигар тўқимасида адениннуклеотидларнинг умумийси (АТФ + АДФ + АМФ); Фосфат потенциали (АТФ/АДФ · Φ_{H}); Аткинсоннинг энергетик заряди (АТФ + S АДФ:АТФ + АДФ + АМФ) “Boehringer” (Германия) фирмаси томонидан энзимли тўплам реактивлари ёрдамида аниқланди.

Усулнинг моҳияти: жигар хужайраси экстрактидаги АТФ гексокиназа энзими ёрдамида глюкоза билан глюкозо-6-фосфат ҳосил қилади. Кейинги этапда глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа энзими иштирокида глюкозо-6-фосфат НАДФ ни қайта тиклайди ва натижада НАДФ ҳосил бўлади. Бунда реакциянинг бошланишида ҳосил бўлган НАДФН миқдори АТФ нинг миқдorigа тенг бўлади. НАДФН нинг миқдори спектрофотометрда 340 нм ли тўлқин узунлигида ўлчанади.

Жигар экстрактидаги АДФ ва АМФ ларнинг миқдорларини ҳам “Boehringer” (Германия) фирмаси томонидан тайёрланган тўплам аввал ёзилган усул бўйича аниқланди. Бунда АДФ фосфоэнолпируват билан биргалашиб АТФ ва пируват ҳосил қилади. Пируват лактатдегидрогеназа энзими ёрдамида НАД ни НАДН га айлантиради. Ҳосил бўлган НАДН нинг миқдори текширилаётган тўқимадаги АДФ нинг миқдorigа тўғри келади.

Жигар экстрактидаги АМФ нинг миқдорини аниқлаш учун унинг устига миокиназа энзими қўшилади, натижада АТФ иштирокида АМФ нинг АДФ га айланиши тезлашади. Ҳосил бўлган АДФ юқорида кўрсатилганидек НАДН га айланади ва унинг миқдори спектрофотометрда 340 нм ли тўлқин узунлигида аниқланади.

Адениннуклеотидларни экстракция қилиш. 0,5 гр жигарни ховончага солиб, суюқ азот ёрдамида совутилиб майдаланилади, сўнгра эркин нуклеотидлар 5 мл 0,3 н хлор

кислотаси ёрдамида 20 минут давомида экстракция қилинади. Олинган гомогенат 5000 минут тезликда 20 минут 0°C да центрифуга қилинади. Центрифуга пробиркасидаги чўкмага 2мл совутилган 0,2 н. хлор кислота қўшилиб, совутилган ҳолида 20 минут давомида аралаштирилади ва яна центрифуга қилинади. Чўкма устига экстракция қилинган нуклеотидлар центрифуга пробиркасидан асталик билан текшириш учун олинади.

8. Митохондрияда Ca^{2+} нинг фаол ташилишини ўлчаш

Кальций катионини ютилиш жараёни ўлчаш муҳитидаги ион миқдорига боғлиқ ҳолда электрокимёвий потенциал градиенти бўйича бир томонлама бўлади. Катион ютилишини ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб нафас олиш занжири фаолиятида ёки калий иони градиенти (“диффузионли потенциал” деб номланган) томонидан бошқариладиган митохондриянинг ички мембранасидаги электр потенциалларининг фарқи ($\Delta\psi_{\text{м}}$) ҳисобланади. Митохондрия мембранаси орқали Ca^{2+} нинг ташилиши митохондрияда $2\text{H}^{+}/\text{Ca}^{2+}$ алмашинувига асосланган рН-метр усули билан ўлчанди. Кальцийнинг энергияга боғлиқ ютулиш жараёни унипорт механизми орқали бошқа ионлар ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошади. Митохондрияда Ca^{2+} ни ана шундай тарзда тўпланиши унипортер деб номланади. Митохондрия суспензиясига кальций хлор аста-секин қўшилганда, протонга алмашилиб митохондрия ичида тўпланиб қолган Ca^{2+} нингташқарига чиқиши бошланади. Кальцийнинг бундай катта миқдорда чиқиши натижасида эндоген фосфолипаза A_2 ва фосфолипаза Д лар фаоллашади, оқибатда митохондрия мембраналарининг структураси бузилади. Бу эса митохондрияда оксидланишдан фосфорланишни ажралишига, мембрана ўтказувчанлигини ўзгаришига ва циклоспорин А га сезгир пора (туйнукча) ларнинг очилишига олиб келади. Демак, ихтиёрий равишда қанча кўп миқдорда Ca^{2+} ни митохондрия ўзида тўпласа, митохондриянинг мембрана структуралари кальцийнинг зарарловчи таъсирига ана шунчалик чидамли бўлади. Шароитга қараб Ca^{2+} ни протонга алмашинув стехиометрияси ўзгариши мумкин. Мембранадан ўтувчи анион сифатида фосфат иони иштирок этганда $2\text{H}^{+}/\text{Ca}^{2+}$ алмашинув стехиометрияси доимий ва тахминан 1 га тенг бўлади. Тадқиқот учун танланган ўлчаш муҳити: КС1- 120ммол, трис - НС1- буфер – 10 ммол (рН 7,4), сукцинат – 5 ммол, ротенон - 1мкг/мл, фосфат (KH_2PO_4) 1 ммол. Тизим НС1 нинг маълум миқдорли эритмаси билан калибрланади.

Кальцийнинг митохондрияда актив ташилишини аниқлаш. Инкубация қилинган 1 мл ҳажмдаги ячейкага электродлар туширилади, ёзиб борадиган перо дастлабки ҳолатга келтирилади. Диаграмма лентасини улагач, ячейкага митохондрия суспензиясидан (1-3 мг оксил) қўшилади. Ички нафас олишни (0,5-1,5 минут давомида)

ёзиб олиб, 0,03 мл сукцинат (5 мМ+3мкМ) ретенон қўшилади. Шундан сўнг митохондрия нафас олишининг яхшиланиши кузатилади.

Сўнгра кюветага CaCl_2 (100 мМ) қўшилади. Нафас олишнинг кескин фаолланиши кузатилади, кейинчалик тезликда унинг пасайиши аниқланади. Нафас олишнинг тезлашиши ва тўхташи аниқ бўлгунча CaCl_2 бир неча марта қўшилади. Нафас олишнинг қайта тикланган вақтдаги CaCl_2 нинг максимал концентрацияси аниқланади, сўнгра инкубация қилинган муҳитга олинган CaCl_2 қўшилганда қайта нафас олиш тикланиши кузатилади. Кейинчалик муҳитга керакли CaCl_2 концентрацияси қўшилганда қайта нафас олишнинг тикланишига ишонч ҳосил бўлади.

Са/О муносабати АДФ/О каби ҳисобланади.

Жигар тўқимаси ва митохондриясида оксил миқдорини Лаури усули билан аниқланди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш.

Олинган натижаларни Стьюдент-Фишер усули билан статистик қайта ишланди. Ўртача арифметик катталиқни (M), ўртача хатоликни (m), ишончлилик кўрсаткичи (t ва r)лар аниқланди. P катталиқ 0,05 дан кичик бўлган ишончлилик кўрсаткич деб олинди (Алматов К.Т. ва бошқалар, 1993).

12. Байбекова Э.М., Мурадова М.Л. Коррекция структурных изменений печени при хроническом гепатите. Мед.журн. Узбекистана. Ташкент, 1992. №5. 92с.

13. Бумятян Н.Д. Герасимов О.А., Сахарова Т.С., Яковлева Л.В. Природные антиоксиданты как гепатопротекторы. / Экспериментальная и клиническая фармакология Москва 1999. №2 с. 64-67.

14. Владимиров Ю.А. Роль нарушений свойств липидного слоя мембран и развитии патологических процессов.//Патологическая физиология и экспериментальная терапия. Москва 1989. №4. С.7-18.

15. Владимиров Ю.А., Азизова О.А., Деев А.И. Козлов А.В., Осипов А.Н., Рошупкин Д.И. Свободные радикалы в живых системах // Итоги науки и техники. Серия «биофизика». Москва. 1991. Т. 29. С. 4-249.

16. Владимиров Ю.А. Свободные радикалы и антиоксиданты // Вестник Росс. АМН, Москва, 1998. № 7, С. 43-51.

3 БОБ. ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

1. Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли хайвонларнинг жигари тўқимасидаги липидлар алмашинувининг ўзгариши.

Ҳозирги вақтда олимларнинг липидларга бўлган қизиқиши кучайиб бормоқда. “Липид” деганда кимёвий тузулиши билан бир - биридан кескин фарқланадиган ҳар хил табиий моддаларни тушунилади. Буларга эркин ёғ кислоталари, нейтрал глицеридлар, мумлар, фосфолипидлар, шу жумладан глицерогликолипидлар, оксиллипидлар, стеринлар ва бошқалар киради. Липидларга урта асосий функция хос: биринчидан, липидлар ҳужайра мембраналарининг энг муҳим компонентлари; иккинчидан, липидлар ҳужайралар орасидаги ҳамкорликни ва ҳужайра ичидаги биокимёвий реакцияларни, ҳамда организмда кечаётган турли физиологик жараёнларни бошқарадиган муҳим биоэффektorлар; ва нихоят, учунчидан, узоқ йиллар давомида ягона ҳисобланиб келинган функцияси метаболик ёқилғи шакли. Нима учун липидларга ана шундай турли хил кимёвий тузулиш кераклиги энди маълум бўлди, чунки биоэффektorлар ўзларининг нишонлари билан ҳамкорликда таъсир қилиши, яъни таъсирнинг махсуслиги молекуланинг тузулиши билан белгиланади [Деятловицкая Э.В., Безуглов В.В., 1998].

Липид алмашинувида жигар марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Вояга етган ҳайвонларнинг жигаридаги липидларнинг миқдори 4,8-5,3% лар ўртасида тебраниб туради. Жигарда липид алмашинувини тезлиги ейилган овқат таркибига ва организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ. CCL4 таъсирида, жигарда липид алмашинувини ўрганиш гепатитни келиб чиқиш механизмларини ўрганишга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам CCL4ни ҳайвонларнинг жигарига таъсир механизмини ўрганишда, жигар тўқимасида липидларнинг қанчалик ўзгаришларга учрашини аниқлашни мақсад қилиб қўйдиқ.

Ҳайвонларларнинг танасига CCL4 юборилгандан кейин орадан 0,5 ой ўтгач жигардаги липидларнинг миқдори 30,9 % га кўпайиши аниқланди. Орадан 1 ой ўтгандан кейин липиднинг миқдорини кўпайиши 41,0 % га етди. Тажрибанинг давом этиши ошган сайин липид миқдорининг ошиши ҳам тезлашди: 2 ойида 37,4 % га ошди. Демак, CCL4 таъсирида жигарда умумий липидларнинг миқдори ошади. Демак, липидларни жигар ҳужайрасида турли физиологик ва биокимёвий жараёнларга сарфланиши пасаяди.

Жигардаги умумий липидларнинг 30-40% ни триацилглицеридлар, 55-60% ни фосфолипидлар, холестерин ва бошқа фракциялари 5-10% ларни ташкил қилади. Липидларнинг таркибига кирувчи фосфолипидлар (фосфатидлар) ҳар хил фракцияларни ташкил қилади ва уларга фосфор кислота, юқори молекулали тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари, спиртлар (глицерин, инозит, сфингозин) ва азотли асослар холин, этаноламин, серин ва б.) киради. Ҳайвон организмдаги липидларнинг ярмидан озроғини фосфолипидлар ташкил қилади. Вояга етган ҳайвонлардаги кўпчилик фосфолипидларни алмашинув интенсивлиги, липидларнинг бошқа фракциялари гликолипидлар ва холестеринга нисбатан юқорироқ бўлади. Ундан ташқари, фосфолипидлар оксиллар

билан, ахамияти организм учун жуда юкори бўлган мураккаб липопроteid комплексларини ҳосил қилади [Деятловицкая Э.В., Безуглов В.В., 1998].

Ҳозирги пайтда, фосфолипидларнинг биоэффeкторлик роли ҳам маълум бўлди. Протеинкиназа С нинг баъзибир шакллари рағбатлантирувчи, хужайра ичидаги деподан Ca^{2+} ни сафарбар этувчи ва шу каби бошқа жараёнларга таъсир қилувчи фосфоинозит цикли вакилларида диацилглицеринлар, инозитфосфат, инозит 1,4,5 учфосфат ва фосфатид кислоталар сигналлаш жараёнларида ишпрок этиши тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар олинган [Ткачук В.А., 1998].

Орадан 15 кун ўтгач CCL4 олган хайвонларнинг жигар тўқимасида фосфолипидларнинг миқдори 31,3 % га камайди. Организмга юборилган CCL4 миқдорининг ошишига қараб жигарда фосфолипидларнинг миқдорини камайиши тезлашди. Агар тажрибанинг 0,5 ойида фосфолипид миқдори камайиши 31,3 % ни ташкил қилса, 1 ва 2 ойларда 37,6 ва 43,2 % ларга етди. Шундай қилиб CCL4 жигарда фосфолипидларнинг миқдорини камайтиради ва бу жараён CCL4ни организмга киритилишини кўпайишига мос ҳолда тезлашади.

Организм тўқима ва хужайраларида кечаётган турли физиологик биокимёвий жараёнларнинг бир меъёрада кечишида холестерин муҳим роль ўйнайди. Холестериннинг миқдори жигарда 250-350 мг % ни ташкил қилади. Одам организмда холестерин-4 шаклда бўлади: 1) холестерин-оксил; бу фракцияда асосан б - ва в-глобулинлар билан мураккаб липопроteinли комплекслар ҳосил қилади; 2) коллоидал холестерин (холестерин фосфатид); 3) эркин холестерин; 4) холестерин эфирлари, таркибига юкори молекулали ёғ кислоталари ҳам қиради. Нормал ҳолатда организмда асосан аввалги 2 фракцияси бўлади, 3- ва 4-фракциялар жуда кам бўлади, аммо патологик ҳолатларда уларнинг миқдори кескин кўпайиб гиперхолестеринемияни чақиради. Шу сабабли CCL4ни организмга киритилганида жигарда холестериннинг миқдорини ошиши ёки секинлашини аниқлаш катта ахамиятга эга. Биринчидан, CCL4ни организмга киритилиши жигарда холестерин миқдорини кескин кўпайишига олиб келиши, иккинчидан холестерин миқдорини ошиши организмга киритилган CCL4нинг миқдorigа боғлиқлиги аниқланди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жигарда холестерин миқдорининг ошиши 1,55; 2,55 ва 2,92 марта ларни ташкил қилди. Шундай қилиб организмга CCL4ни киритилиши жигарда холестерин миқдорини оширади ва киритилган CCL4 миқдorigа мос ҳолда бу жараён тезлашади.

Организмда ёғ кислоталари алмашинувида жигар марказий ўринни эгаллайди. Жигарда ёғ кислоталарининг миқдори 1,8-3,6% атрофида тебраниб туради. Жигарга тушган ёғ кислоталари турли ўзгаришларга учраб айрим липид фракцияларини ҳосил

килишга мос келувчи ёғ кислоталарини ҳосил қилади. Жигарда ёғ кислоталари уч карбон циклида ишпирок этиб жадал суръатларда карбонат ангидрид гази ва сувгача оксидланиш жараёни содир бўлиб туради.

Ҳозирги пайтда ярим тўйинган ёғ кислоталар ва уларнинг ҳосилалари (моноацилглицеринлар, амидлар, оксипидлар) нинг биоэффektorлик ролига бағишланган ишлар кўпайган. Эркин тўйинмаган ёғ кислоталари фосфолипазаларнинг фаоллигини, ион каналларини, АТФ аза активлигини, G-оқсилни, протеинкиназани активлигини бошқаради, фосфоинозитид ва сфингомиелин цикларини модуллайди, гормонал хабарларни ва генлар транскрипцияси ташилишини бошқаради [Когтева Г.С., Безуглов В.В., 1998] Оксипидлар ҳужайрада тайёр ҳолатда сақланмайди, улар организм учун керак бўлганида биологик стимулга жавобан холиенли ёғ кислотадан синтезланади. Оксипидларнинг таъсири жуда хилма-хил бўлиб, нормал ва патологик организмларда кечаётган кўпчилик жараёнларда ишпирок этади [Петрухина Г.Н., Макаров В.А., 1998; Сала А. и др ,1998]

ССL4ни организмга киритилиши жигарда эркин ёғ кислоталарини кўпайишига олиб келди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жагардаги эркин ёғ кислоталарининг миқдорлари 58,3; 63,1 ва 52,3 % ларни ташкил қилди. Демак, ССL4ни жигарни заҳарлаши эркин ёғ кислоталарининг миқдорини ошишига олиб келади.

Ўзбекистон шифобахш дамламасини ССL4ли гепатитга учратилган хайвонларнинг организмга киритилиши жигар тўқимасида липид алмашинувини аста-секинлик билан нормал ҳолатга келтириши аниқланди. Гепатитли хайвонларнинг организмга 2 ойдан кейин 0,5 ой давомида Ўзбекистон шифобахш дамламасини юборилгандан кейин жигарда липидларнинг миқдори назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги липидларга нисбатан бирозгина камайиши аниқланди. Агар назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги липидларнинг миқдори соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга нисбатан 30,9% га ошган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламасини олган хайвонларда 18,6% гагина ошди. ССL4ли хайвонларнинг организмга Ўзбекистон шифобахш дамламасини киритилишини давом этиши жигар тўқимасидаги липидларнинг миқдорини камайишини янада тезлашпирди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига мос ҳолда кучайди. Ўзбекистон шифобахш дамламасини гепатитли хайвонлар танасига киритилишини 1 ойида жигардаги липидларнинг миқдори нормага нисбатан 6,5% ларгагина кўпайган бўлса (Ўзбекистон шифобахш дамламаси олмаган хайвонларда эса 41,0 % га кўпайди), 2 ойга борганда соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга тенглашди. Бунда олмаган хайвонларнинг жигаридаги липидларнинг миқдори нормага нисбатан 37,4% га кўпайди.

Гепатитли хайвонларнинг организмига Ўзбекистон шифобахш дамламасини киритилиши жигарда умумий фосфолипидларнинг миқдорини кўпайиб, соғлом хайвонларнинг жигаридаги кўрсаткичларга тенглашишига олиб келди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги умумий фосфолипидларнинг миқдори соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга нисбатан 31,3; 37,6 ва 43,2% ларга камайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларда эса бу кўрсаткичлар атиги 16,6; 18,1 ва 4,5% ларгагина камайди. Олинган натижалардан Ўзбекистон шифобахш дамламасини 2 ой давомида гепатитли организмга юборилганда, жигардаги умумий фосфолипидларнинг миқдори соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга тенглашганлиги кўриниб турибди.

Гепатитли хайвонларни Ўзбекистон шифобахш дамламаси билан даволаш натижасида жигарда эркин ёғ кислоталарининг миқдорини камайиши ҳам аниқланди. Агар, назоратдаги хайвонларнинг жигарида эркин ёғ кислоталарининг миқдори тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга нисбатан 74,3; 76,6 ва 64,7% ларга кўпайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли хайвонларда эса 47,1; 39,1 ва 19,6% ларгагина кўпайди. Олинган натижадан кўриниб

1-жадвал

Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли хайвонларнинг жигаридаги липидларнинг миқдорий ўзгариши

($M \pm m$; $n = 10 - 12$).

Вариантлар	Тажрибанинг давом этиш муддати, ойларда		
	0,5	1	2
	Липидлар, г/кг		
Соғлом хайвонлар	180,50±9,21	182,40±10,12	178,56±11,67
Гепатит: Назорат	266,2±10,05 ^{****}	270,48±14,06 ^{****}	262,24±19,05 ^{***}
%	147,5	148,3	146,8
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	217,30±12,21 ^{***}	204,45±16,19 ^{****}	181,17±12,34 ^{****}
%	120,4	112,1	101,4
	Фосфолипидлар, моль/кг		
Соғлом хайвонлар	1,81±0,17	1,82±0,15	1,84±0,13
Гепатит: Назорат	1,15±0,14 ^{***}	1,12±0,20 ^{****}	1,05±0,21 ^{****}
%	63,5	61,3	57,0
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	1,70±0,16 ^{****}	1,73±0,23 ^{****}	1,80±0,17 ^{****}
%	93,9	95,0	97,8
	Эркин ёғ кислоталари, мг%		
Соғлом хайвонлар	1,21±0,08	1,20±0,10	1,22±0,09
Гепатит: Назорат	2,11±0,14 ^{****}	2,12±0,13 ^{****}	2,01±0,11 ^{****}

%	174,3	176,6	164,7
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	1,78±0,102**	1,67±0,15***	1,46±0,14***
	147,1	139,1	119,6
	Триацилглицеридлар, моль г/кг		
Соғлом хайвонлар	76,01±2,06	77,02±1,95	76,56±2,15
Гепатит: Назорат	133,10±2,26****	139,36±3,36****	130,87±3,66****
%	175,1	180,9	170,9
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	89,31±2,00****	86,67±3,56****	77,10±2,26****
%	117,5	112,5	100,7
	Холестерин, моль г/кг		
Соғлом хайвонлар	140,55±9,04	138,96±10,34	141,05±8,88
Гепатит: Назорат	182,51±8,35**	190,42±6,65***	171,63±7,29**
%	129,8	137,0	121,7
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	153,63±6,35****	148,71±4,26**	148,31±5,28****
%	109,3	107,0	105,1

турибдики, 2 ойда ҳам эркин ёғ кислоталарининг миқдори соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга тенглашмади.

Ўзбекистон шифобахш дамламасининг гепатитли хайвонларга берилганда, жигарда триацилглицеридларнинг миқдорида ҳам камайиш кузатилди. Агар, назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги триацилглицериднинг миқдори тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида нормага нисбатан 75,1 ва 80,9% ларга ошган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси билан даволанганда эса 17,5 ва 12,5% ларгагина кўпайди. Тажрибани 2 ойида назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги триацилглицериднинг миқдори нормага нисбатан 70,9% га ошган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларда эса нормага тенглашди.

Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонларнинг жигаридаги холестериннинг миқдорини ҳам сезиларли даражада пасайтирди. Агар, назоратдаги хайвонларнинг жигаридаги холестериннинг миқдори тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида нормага нисбатан 29,8; 37,0 ва 21,7% ларга ошган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси билан даволанганда эса 9,3; 7,0 ва 5,1% ларгагина кўпайди.

2. Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида, гепатитли хайвонларни жигари митохондрияси фосфолипидларининг ўзгариши

Митохондрия хужайра органеллалари орасида ташқи ва ички муҳит таъсиротларига энг сезгири ҳисобланади. Ундан ташқари митохондрия “аппоптоз”да

муҳим роль ўйнайди [Скулачев В.П., 1998]. Турли физиологик ва патологик ҳолатларда митохондриянинг функциясини ўзгариши унинг структурасини, яъни мембранада жойлашган липидларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларига боғлиқ [Алматов К.Т., 1993]. Жигарда гепатитнинг патогенетик аҳамиятини аниқлаш учун навбатдаги тажрибамизда ҳайвон организмга CCL4 юборилгандан кейин турли муддатларда жигар митохондриясидаги липидларнинг таркибидаги миқдорий ўзгаришларни ўлчадик.

Ҳайвонларнинг танасига CCL4ни киритилиши жигар митохондриясида умумий фосфолипидларнинг миқдорини камайишига, эркин ёғ кислоталарини ва фосфатид кислотасини эса кўпайишга олиб келди. Бу ўзгаришлар ҳайвон танасига киритилган CCL4 миқдорининг кўпайишига қараб тезлашди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жигар митохондриясида умумий фосфолипидларнинг миқдори 12,8; 22,7 ва 41,3% ларга камайиб, эркин ёғ кислоталарининг миқдори эса 24,4; 38,1 ва 52,7 % ларга, фосфатид кислотанинг миқдори 44,5; 63,3 ва 106,8% ларга кўпайди.

Олинган натижалар CCL4 таъсирида митохондрия мембранасида жойлашган фосфолипаза А₂ ва фосфолипаза Д энзимларининг каталитик активликлари ошганлигидан далолат беради. Митохондрия мембранасида фосфолипаза А₂ ва фосфолипаза Д ларнинг борлиги адабиётлардан маълум [Алматов К.Т., 1993].

Навбатдаги тажрибамиз CCL4 таъсирида, жигар митохондриясидаги бошқа фосфолипидларнинг таркибида қандай ўзгаришлар бўлишини аниқлашдан иборат бўлди.

Организмга CCL4 юборилганда, тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жигар митохондриясида фосфатидилхолин (8,7; 9,4 ва 11,7% ларга) ва фосфатидилсерин (2,4; 6,3 ва 12,0% ларга) ларнинг миқдорини ошиши ва фосфатидилэтанолламин (7,2; 10,0 ва 8,8% ларга) нинг миқдорини эса аксинча камайиши аниқланди. CCL4 таъсирида митохондрияда фосфатидилхолин ва фосфатидилсеринларнинг миқдорларини кўпайиши, фосфатидилэтанолламиннинг камайиши бизнинг фикримизча жигар тўқимасида кечаётган метилланиш ва декарбоксилланиш реакцияларининг ўзгариши натижаси бўлса керак. Бу жараёнларнинг жигар тўқималарида кечиши адабиётлардан бизга маълум [Bereziat G, 1980; Алматов К.Т., 1993]. Бизнинг фикримизча, CCL4 таъсирида жигар ҳужайраларида фосфатидилсеринни фосфатидилэтанолламинга айланиши (декарбоксилланиш реакцияси) секинлашади ва фосфатидилэтанолламинни фосфатидилхолинга айланиши (метилланиш реакцияси) кучаяди. Ана шу жараёнларнинг бузилиши натижасида жигар митохондрияларида фосфатидилхолин ва фосфатидилсеринларнинг миқдорлари кўпайиб, фосфатидилэтанолламиннинг миқдорлари камаяди.

CCL4 таъсирида жигар митохондриясида фосфатидилинозитнинг миқдори камаяди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига қараб тезлашади. Агар тажрибанинг 0,5 ойида

фосфатидилинозитнинг миқдори атиги 14,8% гагина камайса, 1 ойга бориб 20,9% га, 2 ойда эса 28,7% камаяди. Фосфатидилинозитлар алмашинувининг физиологик ролларини қизиқ аспектидан бири ҳужайрада энергия трансформациясида ишгирок этишидир [Скулачев В.П., 1972; Киселёв Г.В. и др., 1976, Киселёв Г.В., 1977]. Улардан аввалроқ Vignais P.M. et al. [1964], липид таркиби бузилган митохондрияларда АТФ га боғлиқ қисқарувчанлик қобилятини фақатгина фосфатидилинозит (монофосфоинозитид) кўшиганида қайта тикланган. Демак, митохондрия мембранасида фосфатидилинозитнинг камайиши АТФ синтезини бузилишга олиб келувчи сабабларидан бири деб ҳисобласа бўлади.

ССL4ни организмга киритилиши жигар митохондриясида кардиолипиднинг миқдорини камайишга олиб келди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига мос ҳолда кучайди. Агар тажрибанинг 0,5 ойида бу фосфолипиднинг миқдори атиги 6,7% гагина камайдиган бўлса, 1 ойда 9,0%га 2 ойда эса 16,8%га камайдиган бўлади. Демак, организмга ССL4 киритилганида, митохондрияда кардиолипид синтези секинлашади ёки эндоген фосфолипазларнинг каталитик активлиги ошиб кетади. Митохондриянинг ички мембранаси кардиолипид синтези учун турли энзимларга эга адабиётлардан бизга маълум [Stanacev N.Z. et al., 1972; Hostetler K.Y., Van den Bosch H., 1972].

Демак, гепатитда жигар митохондриясида фосфатидилинозит ва кардиолипиднинг камайиши митохондриянинг нафас олиши ва оксидланиши фосфорланишини бузилишига сабабчи бўлади.

ССL4 таъсирида, жигар митохондриясида лизофосфатидилхолиннинг миқдори камайдиган бўлади. Организмга киритилган ССL4нинг миқдори қанча кўп бўлса лизофосфатидилхолин ҳам ана шунчага камайдиган бўлади. Агар тажрибанинг 0,5 ойида бу лизофосфолипиднинг миқдори атиги 6,5% гагина камайса, 1 ойга борганда 14,1% ни, 2 ойда эса 22,2% ни ташкил қилди. Бизнинг назаримизда, ССL4 таъсирида жигар митохондриясида лизофосфолипаза А₁ ва фосфолипаза Д ларнинг гидролитик активликлари ошиб кетади. Жигар митохондриясида бу икки энзимнинг борлиги аввалдан маълум [Горбатая О.Н. и др., 1988; Алматов К.Т. и др., 1987. Рахимов М.М. и др., 1989; Алматов К.Т., 1990; 1993]. Мембранадаги лизофосфолипаза А₁ лизофосфолипидлар ва уларнинг диацил шакллари нормада бўлишини таъминлаб, митохондрия мембранасининг ўтказувчанлиги ва митохондрияни бузилиш даражасини бошқариб туради. Фосфолипаза Д фақатгина фосфолипидларгагина таъсир қилмай, балки лизофосфолипидларни ҳам гидролизлайди [Алматов К.Т. и др., 1987; Рахимов М.М. и др., 1989].

CCL4 таъсирида, жигар митохондриясида фосфатид кислотаси кескин кўпаяди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига қараб кучаяди. Агар, тажрибанинг 0,5 ойида фосфатид кислотанинг миқдори 44,5% га кўпайса, 1 ойга борганда 63,3% га етади, 2 ойида эса икки мартадан (106,8% га) ошиб кетади. Бизнинг фикримизча, CCL4 таъсирида жигар митохондриясида фосфатид кислотанинг кўпайиши, мембранада жойлашган фосфолипаза Д нинг гидролитик активлигини ошиб кетишидан, ёки жигарда фосфатидил кислотанинг синтези кучайиб кетишидан бўлиши мумкин. Адабиётларда фосфатид кислотанинг 50% эндоплазматик ретикулумдан ташқари митохондрияда б-глицерофосфат ва ёғ кислоталаридан синтезланиши кўрсатилган [Sherphord E.M., Hiibechner Q., 1969; Zborowski J., Wojtezak L., 1969]. Фосфатид кислотани синтезланиш жараёни, асосан, митохондриянинг ташқи мембранасида бўлади. Айрим олимларнинг олган натижаларига кўра митохондрияда ацилтрансфераза энзими ёрдамида, асосан, лизофосфатид кислота синтезланади ва кейинчалик фосфатид кислота синтезланади [Aas M., Daal N.W., 1971; Daal N.W., Bremer J., 1970]. Муаллифларнинг тахминича б-глицерофосфат ва ацилтрансфераза митохондрияда эркин ёғ кислоталарининг фондини бошқаради ва бу органелланинг тузилиши ва вазифасини сезиларли даражада ўзгаришларга олиб келади.

Шундай қилиб, б-глицерофосфат-ацилтрансфераза ёғ кислоталарини мембранада тўпланиб қолиб, митохондрияга салбий таъсир қилишини олдини оладиган ўзига хос “физиологик” буфер тизимини ташкил қилади [Panda S.V., Blanchaer M.C., 1971; Trur R. et al., 1964]. Яқинда В.Н. Самарцев ва бошқалар [2003] жигар митохондриясида ёғ кислоталарининг протонофорномли айирувчи таъсирида АДР/АТР антипортер, аспартат/глутаматли антипортер ва декарбоксилатли ташувчининг ишпирок этиши аниқланган.

Мембрана структурасининг бутунлигини сақланишида муҳим роль ўйновчи фосфатидилхолин/фосфатидилэтаноламинларнинг нисбати CCL4 таъсирида жигар митохондриясида ошиши аниқланди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида бу нисбат 17,3; 21,9 ва 21,9% ларга кўпайди. CCL4 таъсирида жигар митохондриясида фосфолипидларнинг диацил шакли билан уларнинг лизошакллари нисбатида ўзгаришлар аниқланди. Фосфатидилхолин/лизофосфатидилхолин нисбати CCL4 таъсирида кўпайди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига қараб кучайди. Агар, тажрибанинг 0,5 ойида бу нисбат 16,2% гагина ошган бўлса, 1 ва 2 ойларда 27,4 ва 46,7% ларга кўпайди.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, CCL4и организмга киритилиши жигар митохондриясида умумий фосфолипидларни, шу жумладан кардиолипин, фосфатидилэтаноламин, лизофосфатидилхолин ва фосфатидилинозитларнинг миқдорини камайишига, эркин ёғ кислоталари, фосфатидилхолин, фосфатидилсерин ва фосфатид

кислоталарнинг миқдорлари кўпайишга олиб келди. Бу ўзгаришлар митохондрия мембранасининг структуравий бутунлигини бузулишини тезлаштиради. ССL4 таъсирида жигар митохондриясида умумий фосфолипидларнинг миқдорини камайиши ва фосфолипидларнинг бир - бирига нисбатини ўзгариши мембранадаги фосфолипид компонентларини синтезини секинлашганидан ва фосфолипидларни фосфолипазалар таъсирида парчаланишидан ва автолиздан бўлиши мумкин. Гепатитли хайвонларнинг организмига Ўзбекистон шифобахш дамламасини киритилиши жигар митохондриясидаги липид алмашинувини яхшилаши ва соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга яқинлаштириши аниқланди. Ўзбекистон шифобахш дамламасини организмга киритилиш муддати кўпайган сари липид алмашинувини яхшиланиши ҳам ўшанга мос равишда кучайди. Агар, назоратдаги хайвонларнинг жигари митохондрияларида умумий фосфолипидларнинг миқдорлари 0,5, 1 ва 2 ойларда 31,1; 35,8 ва 41,3% ларга камайиб, эркин ёғ кислоталарининг миқдори 45,0; 48,8 ва 51,6% ларга кўпайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида умумий фосфолипидларнинг миқдори атиги 4,4; 19,2 ва 35,1% ларга кўтарилиб, эркин ёғ кислоталарининг миқдори 6,0; 12,5 ва 21,1% ларга пасайиб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга яқинлашди.

Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жигар митохондриясида фосфатидилхолиннинг миқдори нормага нисбатан 11,7; 11,8 ва 14,2% ларга ошган бўлса, лизофосфатидилхолиннинг миқдорини 23,8; 21,0 ва 15,6% ларга камайди. Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли хайвонларнинг жигари митохондриясидаги фосфатидилхолиннинг миқдори 0,5 ва 1 ойларда атиги 9,2 ва 3,4% гагина ошди ва 2 ойга борганда нормаллашди. Ана шундай ўзгаришлар лизофосфатидилхолинда ҳам кузатилди. Тажрибанинг 0,5 ва 1 ойларида Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларнинг жигари митохондриясида лизофосфатидилхолиннинг миқдори нормага нисбатан атига 14,0 ва 10,8% гагина ошиб, 2 ойга борганда тўлиқ нормаллашди. Демак, Ўзбекистон шифобахш дамламасини гепатитли организмга киритилиши жигар митохондриясидаги фосфатидилхолин ва лизофосфатидилхолинларнинг миқдорини соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга етказди.

Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли хайвонларнинг жигари митохондриясида фосфатидилэтанолламиннинг миқдори нормага нисбатан 8,8; 14,6 ва 15,6% ларга камайиб, фосфатидилсеринники 12,0; 21,0 ва 25,2% ларга кўпайди, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларда эса, тажрибанинг 0,5 ва 1 ойларида биринчисиники 9,7 ва 3,9% ларга камайиб, иккинчисиники 10,4 ва 8,3% ларга ошиб нормага яқинлашди. Тажрибанинг 2 ойига борганда бу икки фосфолипиднинг миқдорини Ўзбекистон шифобахш дамламаси тўлиқ нормага келтирди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонарнинг жигарида фосфатидилсеринни фосфатидилэтанолламинга айланишини кучайтиради ва фосфатидилэтанолламинни фосфатидилхолинга айланишини секинлаштиради. Бу ўзгаришлар натижасида жигар митохондриясидаги бу уччала фосфолипидларнинг миқдори соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга тенглашади.

Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонарнинг жигаридаги кардиолипинни ва фосфатидилинозитни соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга тенглаштиради. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитда кардиолипиннинг миқдори нормага нисбатан 16,8; 16,8 ва 17,2% ларга, фосфатидилинозит 28,7; 24,9 ва 30,1% ларга камайса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида тажрибанинг 0,5 ва 1 ойларида биринчисиники атиги 9,8 ва 3,9% ларга, иккинчисиники 8,2 ва 5,4% ларгагина камайди. Иккинчи ойга борганда эса бу икки фосфолипиднинг миқдори фиточой таъсирида нормага тенглашди. Демак, Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонарнинг жигари митохондриясида кардиолипин ва фосфатидилинозит синтезларини кучайтириб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга тенглаштиради.

Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида жигар митохондриясида фосфатидит кислотанинг миқдори 106,8; 79,8 ва 61,8% га кўпайса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида 48,4; 11,6 ва 4,5% ларгагина кўпайди. Демак, Ўзбекистон шифобахш дамламасини гепатитли хайвонарнинг организмга киритилиши жигар митохондриясида фосфатид кислотанинг миқдорини аста-секинлик билан пасайишга ва даволашни 2 ойга борганида нормадаги кўрсаткичга яқинлашувига олиб келди.

Олинган натижалар Ўзбекистон шифобахш дамламасини сурункали ССЛ4ли гепатитда эффекти борлигини кўрсатади. Ўзбекистон шифобахш дамламаси фаолиятдаги мембранани физик- кимёвий хусусиятини керакли даражада таъминлаб туриши учун керак бўлган жигар митохондриясининг асосий фосфолипидларини доимий даражада сақланишига имконият яратади. Биологик тизимда фосфолипидларнинг сифат ва миқдор жihatдан тебранишларини оддини олиниши, хужайра ва тўқималарнинг нормал физиологик статусини таъминланишини бош шарт бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон шифобахш дамламаси биологик мембраналарнинг архитектуроникасида муҳим роль ўйнайдиган фосфолипидларнинг миқдори ва сифатини бир меъёрда сақланишига имконият яратади.

3. Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида, гепатитли хайвонларни жигар тўқимасида оксилларнинг ўзгариши.

Жигар оксил алмашинувида марказий ўринда туради. Жигарнинг муҳим вазифаларидан бири оксил алмашинуви билан боғлиқ бўлиб, у қонда альбумин, глобулин

ва фибриноген каби кўплаб оксилларни мўътадил холда сақлаб туради. Ҳозирги замон текширишларининг кўрсатишича, барча альбуминлар 90% гача α -глобулинлар, 50-60% β -глобулинлар гепатоцитларда синтез бўлади, протромбин, фибриноген ва проконвертин каби оксиллар жигарнинг паренхиматоз тўқималарида синтез бўлади. Глобулинларнинг ҳосил бўлиши эса жигарнинг ретикулоэндотелиал тўқималари ва орқа мия плазматик, ретикуляр тўқималари фаолиятига боғлиқ. Бир кеча кундузда, одам организмида 80-100г оксил ҳосил бўлса, шундан ярми жигарда синтез бўлади. Жигарда ҳосил бўлган оксилнинг асосий қисми орган ва тўқималар эҳтиёжини қондиришга сарфланади. Бир кеча кундузда 12г қон зардоби альбумини жигарда синтезланади. Шу билан биргаликда жигарда гормон ва витаминларни ташувчи транспорт оксиллари ферритин, церуллоплазмин ҳам синтезланади. Шуларни ҳисобга олиб навбатдаги тажрибамизда ҳайвонларнинг танасига CCL4 киритилганда жигар оксиллари қандай ўзгаришларга учарашини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Ҳайвонларнинг танасига CCL4 киритилиши жигарда оксилларнинг миқдорини камайишга олиб келди ва бу жараён тажрибанинг давом этишига қараб кучайди. Тажрибанинг 0,5, 1 ва 2 ойларида жигардаги оксил миқдори соғлом ҳайвонларнинг жигаридаги кўрсаткичга нисбатан 33,5; 32,4; ва 32,0 % ларга камайди.

CCL4 ҳайвонларнинг жигарида альбумин ва глобулинларнинг миқдорлари камайди, бу жараён айниқса глобулинда сезиларли бўлди. Касалликнинг давом этиш муддатини ошиб боришига қараб бу оксилларнинг миқдорларини камайиши ҳам тезлашди. Тажрибанинг 0,5, 1 ва 2 ойларида жигарда альбуминнинг миқдори 27,0; 25,8 ва 21,0 % ларга, глобулин миқдори 38,2; 41,2 ва 40,2 % ларга камайди. Олинган натижалардан кўришиб турибдики, CCL4 таъсирида, жигарда глобулинни миқдорини камайиши альбуминнинг миқдорини камайишига нисбатан тезроқ бўлади. Тажрибадаги ҳайвонлар танасига CCL4 киритилганда уларнинг жигарида сийдикчилнинг миқдори ҳам камайди ва тажрибанинг давом этишига қараб бу жараён кучайди.

Тажрибанинг 0,5, 1 ва 2 ойларида жигарда сийдикчилнинг миқдори соғлом ҳайвонларнинг жигаридаги сийдикчилнинг миқдorigа нисбатан 25,2; 25,1 ва 25,1 % ларга камайди. Демак, CCL4нинг организмга кириши жигар тўқималарида сийдикчилнинг миқдорини камайишга олиб келади ва тажрибанинг давом этишига қараб бу жараён кучаяди.

Гепатитли қуёнларнинг организмга Ўзбекистон шифобахш дамламасини киритилганидан кейин жигар тўқимасида оксилларнинг миқдорий ўзгаришлари тўғрисида олинган натижалар **жадвалда келтирилган.**

Олинган натижалардан гепатитда, жигарда оксилларнинг миқдорини камайиши ва Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли ҳайвонларда оксилларнинг миқдори кўпайиб соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичга тенглашиши кўриниб турибди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли ҳайвонларнинг жигаридаги оксилларнинг миқдори 33,5; 31,4 ва 32,0% ларга камайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли ҳайвонларда эса атиги 11,1; 7,3 ва 5,5% ларга камайиб нормадаги кўрсаткичларга яқинлашди.

Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли ҳайвонларнинг жигаридаги альбумин ва глобулинларнинг миқдорлари ҳам аста-секинлик билан кўпая бошлади ва тажрибанинг 2 ойига борганида соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичларга тенглашди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли ҳайвонларнинг жигаридаги альбуминнинг миқдори 27,0; 25,8 ва 21,0% ларга, глобулиннинг миқдори 38,2; 41,2 ва 40,2% ларга камайса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган ҳайвонларда эса альбуминнинг миқдори 0,5 ва 1 ойларда 21,4 ва 12,5% ларга, глобулинники 22,4 ва 16,9% ларгагина камайди. Тажрибанинг 2 ойига борганда бу оксилларнинг миқдори Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида соғлом ҳайвонларнинг жигаридаги кўрсаткичларга тенглашди.

Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида, гепатитли ҳайвонларнинг жигарида сийдикчилнинг миқдорини ўзгаришини кузатганимизда, унинг миқдорини кўпайишини гувоҳи бўлдик.

2-жадвал

Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли ҳайвонларнинг жигар тўқимасидаги оксилларнинг миқдорий ўзгариши

($M \pm m$; $n = 10 - 12$).

Вариантлар	Тажрибанинг давом этиш муддати, ойларда		
	0,5	1	2
Оксиллар, г/кг			
Соғлом ҳайвонлар	180,84±6,57	182,89±9,66	189,06±8,89
Гепатит: Назорат	120,31±5,63**	123,71±6,84**	128,56±6,74**
%	66,5	67,6	68,0
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	160,81±7,65**	169,34±8,73**	178,64±9,62***
%	88,9	92,6	94,5
Альбумин, г/кг			
Соғлом ҳайвонлар	108,71±5,72	110,08±7,12	109,99±6,87
Гепатит: Назорат	79,42±6,81**	81,65±7,67***	86,96±4,83***
%	73,0	74,2	79,0

Ўзбекистон шифобахш дамламаси	85,47±5,58**	96,33±6,54***	106,71±8,81***
%	78,6	87,5	97,0
Глобулин, г/кг			
Соғлом хайвонлар	66,53±2,65	65,44±2,94	67,42±3,05
Гепатит: Назорат	41,15±2,56**	38,51±3,48**	40,36±4,67**
%	61,8	58,8	59,8
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	51,64±5,47**	54,37±6,54**	65,71±7,83*
%	77,6	83,1	97,4
Сийдикчил, моль/кг			
Соғлом хайвонлар	200,06±9,21	208,23±10,06	211,12±10,89
Гепатит: Назорат	149,71±8,40**	156,09±7,53**	158,04±8,96***
%	74,8	74,9	74,8
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	179,76±7,18**	187,63±9,12**	198,67±9,97**
%	89,8	90,1	94,1

Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли қуёнларнинг жигарида сийдикчилнинг миқдори 25,2; 25,1 ва 25,2% ларга камайса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларда эса, атиги 10,2; 9,9 ва 5,9% ларгагина камайди.

Демак, Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитда жигар тўқимасидаги оксилларнинг синтезини кучайтиради ва унинг миқдорини бир меъёрда ушланиб туришига имконият яратади.

4. Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, ССЛ4ли гепатитда хайвон жигари тўқимасида аденин нуклеотидларнинг миқдорий ўзгариши.

Адениннуклеотидларнинг бирламчи вазифаси барча метаболик йўллари бир-бирига боғлашдан иборат, шунинг учун ҳам адениннуклеотидлар тизимининг ҳолати метаболик жараёнларнинг йўналиши ва тезлигига таъсир кўрсатади, ўз навбатида уларга ҳам боғлиқ [Veech et al., 1970; Atkinson, 1977]. Хужайрадаги энергетик алмашинувга баҳо бериш учун фақатгина айрим метаболитларнинг миқдоринигина билиб қолмасдан, уларнинг бир-бирига нисбатларини ҳам билиш лозим. Аденилат тизимнинг ҳолатини одатда фосфатли потенциал катталиги (АТФ/АДФ.Ф_н), ёки Аткинсоннинг энергетик заряди (АТФ +САДФ/АТФ+АДФ+АМФ) катталиклари бўйича баҳоланади. Аденилат тизимни бу катталиклари метаболик жараённинг турли аспектларига: фосфатли потенциал термодинамикага [Slater, Rosing, 1973; Wilson et al., 1974], энергетик заряд эса кинетикага таъсир қилади. Ундан ташқари адениннуклеотидлар апоптозда ҳам муҳим роль ўйнайди [Скулачев В.П., 1996; Susin S. A. et al. 1998; Tatton W.G. Chalmers-Redmen R.M., 1998; Limasters J. J. et al., 1998].

Шу сабабли ҳам навбатдаги тажрибамизда ССL4ни организмга киритилганида, жигарда аденинли нуклеотидларнинг миқдорларини ва уларнинг бир-бирларига нисбатларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик. Организмга ССL4ни киритилишини 0,5; 1; 1,5 ва 2 ойларида жигарда АТФ нинг миқдори 8,3; 13,4; 28,8 ва 32,4% ларга камайди, АМФ нинг миқдори эса аксинча 33,3; 64,7; 72,2 ва 78,9% ларга кўпайди. Аммо АДФ нинг миқдорида сезиларли ўзгариш бўлмади. Бунда ССL4нинг организмга киритилиш муддатига қараб аденинли нуклеотидларнинг умумий миқдорлари 3,7; 4,2; 15,5 ва 18,1% ларга камайди, ноорганик фосфорнинг миқдори эса, аксинча 3,0; 11,5; 17,9 ва 25,9% ларга кўпайди.

Организмга ССL4ни киритилишини 0,5; 1; 1,5 ва 2 ойларида фосфатидли потенциал 9,8; 21,9; 36,3 ва 46,3% ларга, Аткинсоннинг энергетик зарядини эса 3,8; 6,3; 9,0 ва 12,7% ларга камайишга олиб келди.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкин, организмга ССL4ни киритилганда, жигарда АТФ нинг миқдори камаяди, АМФ ва фосфор миқдорлари, аксинча кўпаяди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида Аткинсоннинг энергетик зарядини ва айниқса фосфатидли потенциални камайишга олиб келади.

Кўпчилик эукариот хужайраларда 95% АТФ оксидланишли фосфорланиш тизимида синтезланади. Хужайрада АТФ нинг камайиши ёки йўқолиши митохондриянинг функциясини йўқолишини, яъни оксидланишли фосфорланиш жараёнинини ўчишини (ёки кучли пасайишини) билдиради. Турли компартментларда кечаётган реакциялар, маълумки ўзаро бир-бирига боғланган, ва пиридинли нуклеотидларнинг редокс ҳолати, АТФ/АДФни нисбати, АТФ/АДФ·Ф_н ни фосфатли потенциалнинг аҳамияти, бевосита цитоплазматик ва митохондриал механизмлар орқали бириктиради [Erecinska, Wilson, 1982].

Гепатитли хайвонарнинг организмга Ўзбекистон шифобахш дамламасини киритилганидан кейин жигар тўқимасидаги аденинли нуклеотидларнинг ўзгариш динамикаси тўғрисида олинган натижалар 5- жадвалда келтирилган.

Олинган натижалардан тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли хайвонарнинг жигарида АТФ нинг миқдорини 33,7; 38,8 ва 34,2% ларга камайганлиги, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли хайвонарда эса 22,5; 19,2 ва 6,6% ларгагина камайиб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга тенглашгани кўриниб турибди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли хайвонларнинг жигарида АМФ нинг миқдори 89,5; 95,0 ва 80,9% ларга кўпайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонарда эса 63,1; 30,0 ва 4,7% ларгагина кўпайди. Ноорганик фосфорнинг миқдори ҳам гепатитда 18,4; 23,0 ва 25,8% ларга кўпайса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси

олганларида эса 14,4; 10,3 ва 6,9% ларгагина кўпайиб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга яқинлашди. Гепатитда жигар тўқимасида АТФ, АДФ, АМФ ва Φ_n ларнинг бундай ўзгариши адениннуклеотидларнинг умумий миқдорини камайишга олиб келди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли хайвонларнинг жигарида адениннуклеотидларнинг умумий миқдорлари 18,1; 21,7 ва 17,7% ларга камайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган гепатитли хайвонларда эса 9,7; 12,6 ва 3,7% ларгагина камайиб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга яқинлашди. Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонларнинг жигар тўқимасида фосфатидли потенциални ҳам нормаллашгирди. Агар, тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида фосфатидли потенциал 41,6; 48,4 ва 46,3% ларга камайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олган хайвонларда эса 36,3; 27,5 ва 15,8% ларгагина камайиб, тажрибанинг охири муддатларида соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга яқинлашди. Гепатитли хайвонларнинг жигарида Аткинсоннинг энергетик заряди ҳам Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирида ижобий ўзгаришларга учради. Назоратдаги хайвонларнинг жигар тўқимасида Аткинсоннинг энергетик заряди 15,6; 15,8 ва 12,7% ларга камайган бўлса, Ўзбекистон шифобахш дамламаси олганларида эса 6,7; 5,0 ва 2,6 % ларгагина камайиб соғлом хайвонларнинг жигаридаги кўрсаткичларга тенглашди.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, Ўзбекистон шифобахш дамламаси ССЛ4ли гепатитда, жигар тўқималарида АТФ нинг миқдорини, фосфатидли потенциални ва Аткинсоннинг энергетик зарядини қайта тиклаб соғлом хайвонлардаги кўрсаткичларга тенглаштиради. Бу олинган натижалар Ўзбекистон шифобахш дамламаси гепатитли хайвонларнинг жигари

3-жадвал

Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли хайвонларни жигаридаги аденин нуклеотидларнинг миқдорий ўзгариши ($M \pm m$; $n=10-12$).

Кўрсаткичлар	Вариантлар	Тадиқот ўтказиш муддати, ойларда		
		0,5	1	2
АТФ	С. ҳ-р	$2,05 \pm 0,15$	$2,19 \pm 0,17$	$1,99 \pm 0,13$
	ССЛ4 ҳ-р	$1,36 \pm 0,17^{**}$	$1,34 \pm 0,15^{**}$	$1,31 \pm 0,14^{**}$
	%	66,3	61,2	65,8
Ўзбекистон шифобахш дамламаси	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	$1,59 \pm 0,17^{***}$	$1,77 \pm 0,12^{**}$	$1,86 \pm 0,16^{**}$
	%	77,5	80,8	93,4
	АДФ	С. ҳ-р	$0,75 \pm 0,10$	$0,80 \pm 0,08$
АДФ	ССЛ4. ҳ-р	$0,73 \pm 0,09^*$	$0,77 \pm 0,08^{***}$	$0,78 \pm 0,07^*$
	%	97,3	96,2	97,5
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	$0,80 \pm 0,11^{**}$	$0,79 \pm 0,06^{**}$	$0,79 \pm 0,06^{**}$
	%	106,6	98,7	98,7
АМФ	С. ҳ-р	$0,19 \pm 0,05$	$0,20 \pm 0,03$	$0,21 \pm 0,03$

	ССЛ4. ҳ-р	0,36 ± 0,06**	0,39 ± 0,05**	0,38 ± 0,04*
	%	189,5	195,0	180,9
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	0,31±0,05*	0,26 ± 0,02***	0,22 ± 0,03**
	%	163,1	130,0	104,7
ФН	С. ҳ-р	2,99 ± 0,31	3,00 ± 0,28	2,91 ± 0,35
	ССЛ4. ҳ-р	3,54 ± 0,27**	3,69 ± 0,36***	3,66 ± 0,34*
	%	118,4	123,0	125,8
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	3,42±0,25**	3,31 ± 0,28*	3,11 ± 0,32**
	%	114,4	110,3	106,9
АНУ	С. ҳ-р	2,99 ± 0,30	3,19 ± 0,25	3,00 ± 0,25
	ССЛ4. ҳ-р	2,45 ± 0,32**	2,50 ± 0,28**	2,47 ± 0,25**
	%	81,9	78,3	82,3
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	2,70±0,33**	2,79 ± 0,20**	2,89 ± 0,25*
	%	90,3	87,4	96,3
ФП	С. ҳ-р	0,91±0,04	0,91±0,07	0,95±0,03
	ССЛ4. ҳ-р	0,53±0,03**	0,47±0,04***	0,51±0,02**
	%	58,4	51,6	53,7
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	0,58±0,06**	0,66±0,02**	0,80±0,04*
	%	63,7	72,5	84,2
АЭЗ	С. ҳ-р	0,81±0,04	0,81±0,06	0,79±0,05
	ССЛ4. ҳ-р	0,70±0,03*	0,69±0,02***	0,69±0,03**
	%	86,4	85,2	87,3
	Ўзбекистон шифобахш дамламаси	0,74±0,05**	0,77±0,04*	0,77±0,07**
	%	91,3	95,0	97,4

митохондрияларининг АТФ синтезлаш фаолиятини қайта тиклаганидан дарак беради.

Шу сабабли ҳам навбатдаги тажрибамизда Ўзбекистон шифобахш дамламаси таъсирларида гепатитли ҳайвонларнинг жигари митохондрияларида нафас олиш ва оксидланиш фосфорланиш жараёнларида қандай ўзгаришларга учрашини аниқлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

5. Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, ССЛ4ли гепатитда жигар митохондриясининг энергетик метаболизмининг ўзгариши.

Митохондриядаги нафас олиш ва оксидланиш фосфорланиш тизими ҳуайранинг аденинли нуклеотидларини энергетик ҳолатини аниқловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади .

Митохондрияни оксидланиш кудратини таҳлил қилишда биринчи навбатда тўқиманинг маълум фаоллигига мос келувчи уларнинг тавсифига эътиборни қаратдик. Тинчлик ҳолатида *in vivo* шароитида митохондриянинг фаолиятида митохондрияларнинг

асосий қисми Чанс бўйича 4 ҳолатда бўлади [Chanse B, Williams G.R., 1955]. Бу ҳолат митохондрияни кислород ва субстратлар билан яхши таъминланганлигини билдиради. Аммо бундай ҳолатда нафас олиш фаоллиги пасайган бўлади, чунки у фосфорланиш жараёни билан боғланган, тинчлик ҳолатдаги тўқималарда, хужайра ичидаги энергияни ташилишида фойдаланадиган адениннуклеотидларнинг асосий фонди АТФ кўринишида бўлади. Хужайра нафас олишини пасайишини асосида керакли фосфат акцепторларини йўқлиги ётади. Хужайранинг фаоллигини ошиши энергияни сарфланишига ва АТФ ни гидролизга олиб келади. АДФ кўринишидаги фосфат акцепторининг ҳосил бўлиши митохондриянинг нафас олиш фаоллигини (нафас олиш назорати) кучайишига олиб келади ва бу жараён хужайра макроэргик фосфор боғларининг энергиясини сарфламагунча ва митохондрияга АДФ ни олиб келмагунча давом этади. Ана шу жараённи тўқималардан ажратиб олинган митохондрияларда полярография усули билан текширса ҳам бўлади. Бунда ўлчаш муҳитига маълум миқдорда АДФ қўшилганда митохондриянинг нафас олишини кескин тезлашиб кетишидан билиб олинади. Ҳар бир қўшилган АДФ фосфорланишли оксидланишига кетган вақт ҳисобга олиб борилади. Митохондрияга қўшилган фосфат акцептори тамом бўлиши билан митохондрия фосфорланишли оксидланиш ҳолатидан (V_3) тинчлик ҳолатига, яъни нафас олишнинг секинлашиш ҳолатига (V_4) ўтади. Фосфорланишли оксидланиш ҳолатини оксидланиш ҳолатига нисбати митохондрияни нормал ишлаш ҳолатини билдиради ва уни Чанс бўйича нафас олиш коэффиценти деб аталади ($НОК_ч$ қ V_3/V_4). Митохондриянинг фаоллик ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлардан бири АДФ/О коэффиценти ҳисобланади. $АДФ/О$ қ K/V_3Dt , бу ерда Dt – АДФ қўшилганда фосфорланишли оксидланишга кетган вақтни билдиради, K - қўшилган стандарт АДФ катталиги.

Агар нафас олиш коэффиценти хужайрадаги энергетик жараён билан митохондрияда энергияни ҳосил бўлиши ва тўпланиши жараёнларининг алоқа даражасини кўрсатса, АДФ/О катталиги эса митохондрия мембранасида АДФ ни фосфорланиш жараёнини ва уларни нафас олиш занжирининг терминал фаоллигини аниқловчи функционал ташкилотчилик механизмини тавсифлайди. АДФ/О катталиги канча юқори бўлса, фосфорланишга ўшанчалик кам кислород сарфланади, шунга мос ҳолда хужайра ичидаги метаболик жараёнларда энергияни захиралаш нуктаи назаридан митохондриянинг фойдали ҳаракат коэффиценти ана шунчалик юқори бўлади.

Ҳайвонларнинг организмига CCl_4 киритилганидан кейин уларнинг жигар митохондрияларининг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишидаги ўзгаришлар жадвалда келтирилган.

ССС4ни организмга киритилишини 0,5 ойида глутаматни фосфорланишли оксидланиши (V_3) бирозгина пасайиб (11,7% га), тинчлик ҳолатидаги оксидланиши (V_4) 55,4% га ошди, натижада Чанс бўйича нафас олиш коэффициенти 43,3% га, АДФ/О коэффициенти 9,9% га камайди. СССР таъсирида митохондрияда 4 метаболик ҳолатдаги оксидланишни кучайиши хужайрани тинчлик ҳолатдаги фаолияти бузилганидан, яъни АТФ синтезини пасайиб иссиқлик ажралиб чиқишини кучайганидан далолат беради. Динитрофенол таъсиридаги глутаматни оксидланиши ($V_{\text{днф}}$) 16,9% га пасайди. Бу эса электронларни НАД га боғлиқ субстратлардан нафас олиш занжири бўйлаб молекуляр кислородга узатилишини пасайганидан дарак беради. Аммо, ушбу шароитда СССР олган хайвонларнинг жигари митохондрияда сукцинатни турли метаболик ҳолатларда оксидланишида жиддий ўзгаришлар деярли кузатилмади. Демак, СССР таъсирида жигар тўқималарининг энергия билан таъминланишини бузилиши, биринчидан, митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишини НАД га боғлиқ субстратлардан электронларни ташилишини пасайишидан, иккинчидан фосфорланишни оксидланишдан ажралишидан бошланади.

ССС4 ни организмга киритилишини узоқ вақт давом этиши жигар тўқимасининг барча хужайраларидаги митохондрияларидан Ca^{2+} - ни ва бошқа ионларни, шу жумладан апоптоз чакирувчи барча бирикмаларни ташқарига чиқишига олиб келади, Натижада хужайрада некроз бошланади. Некрозда фақат битта хужайра эмас, балки ёнма ён турган барча хужайралар, ҳамда тўқимадаги қўшни хужайралар ҳам ҳалокатга учрайди. Апоптозга қарама – қарши некрозда хужайранинг бошқарувчи тизимини назорат қила олмай қолади, натижада метаболик жараёнларда қўзғалиш бошланади ва бунда липолитик энзимлар липазалар, фосфолипазалар, протеазалар ва бошқа энзимларнинг гидролитик фаолияти хаддан ташқари кучаяди ва уни тўхтатишини иложи бўлмай қолади.

Муаллифлар [Hunter D.R. et al., 1976; Reed D.J., 1985; Зинченко И.П. и др., 1987; Lenaz Q., 1988;]. экзоген ва эндоген оксидантлар хужайрадаги Ca^{2+} - каналларини “очиби юборишини”, мембранани ўтказувчанлигини ва шаклини ўзгартиришини кўрсатишган. Ташқаридаги Ca^{2+} хужайра ичига киришини тўсиби қўйилиши перекисларни токсик таъсирини камайтиради, Ca^{2+} ни хужайра ичига киришини кучайиши эса хужайра ҳалокатини тезлаштириби юборади. Хужайранинг ичига Ca^{2+} нинг киришини кучайиши хужайра ва унинг органеллаларини мембраналарини бузилишига олиби келади ва натижада гепатоцитларни некрозини ва унинг цирротик бузилишини янада чуқурлаштиради.

Адабиётларда олинган натижаларга асосан [Владимиров Ю.А., 1989; 1998; Осипов А.Н., Азизова О.А., 1990], кислород радикали ва органик перекисларнинг манбааси бўлиби фагоцитоз, моноаминоксидаз ва ксантиноксидазларни оксидазли ва оксигеназли энзим

тизимлари ҳисобланади. Улар фагоцит хужайраларида НАД.Н ва НАДФ.Н ларни молекуляр кислород билан оксидланиши натижасида ажралиб чиқади [Маянский Д.Н., Зубахин А.А., 1998; Сибиряк С.В., Сергеева С.А., 1998; Reed D.J., 1985]. Бошқа манбаалар митохондрия ва эндоплазматик ретикулумда субстратлардан молекуляр кислородга асосий йўлдан шохланадиган цитохром v_5 ёки цитохром P_{450} даражаларида кислородни бир электронли қайта тикланишида ҳосил бўлган O_2^- ҳисобланади [Скулачев В.П., 1998]. Моноаминоксидаза таъсири остида аминларнинг биотрансформациясида H_2O_2 ҳосил бўлади ва липидларнинг перекисли оксидланиши кучаяди. Цитозолда бундай гидрофилли бирикмаларни ароматик ва алифатик альдегидларга айлантиришини таъминловчи ксантиноксидазаларнинг фаоллигини кучайиши, кислородни фаол шакли ва липидларнинг перекисини генерациясини кучайиши билан кузатилади. Бизнинг фикримизча, CCl_4 таъсирида жигар тўқимасида ва митохондрияда юқорида санаб ўтилган реакцияларнинг барчаси кучайиб кетади.

Хужайрадаги эркин радикалларнинг миқдори антиоксидантли ҳимояни назорат қилиб туриши адабиётлардан маълум. Унинг асосий энзимлари ҳар хил сохалардаги занжир реакциясини тўсиб турувчи супероксиддисмутаза, каталаза, глутатион пероксидазалар ҳисобланади. [Голиков С.Н. и др., 1986; Титяева Г.Р., Коровина Н.Н., 1996; Каримов Х.Я., Иноятова Ф.Х., 2000; Баратова М.Р., 2004].

Гипотеза сифатида қуйидаги схемани кўрсатиш мумкин. Организмга CCl_4 ни киритилиши жигар хужайрасига Ca^{2+} ионини кириши (хужайрадан митохондрияга) кучаяди, эндоген фосфолипаза, протеазаларнинг гидролитик фаоллиги ошади, липидларнинг перекисли оксидланиш жараёни тезлашади, ўз-ўзидан мембрананинг бикатлам тузилишларида дефектлар кўпаяди. Ундан сўнг ўз-ўзидан тезлашадиган занжир реакцияси бошланади: фосфолипаза ва протеазалар янада фаоллашади, липидларнинг перекисли оксидланиши кучаяди, Ca^{2+} ни хужайрага (хужайрадан митохондрияга) кириши янада тезлашади, мембранада янги нобикатлам сохалар пайдо бўлади ва шу кабилар жараёнлар юз беради. Бундай жараёнлар оқибат натижада мембранани орқага қайтмас деградацияга, яъни хужайрани некрозига олиб келади. гепатитда Ca^{2+} ни жигар хужайрасига ва ундан митохондрияга ташилишини пасайтирди, митохондриянинг нафас олиши ва оксидланиши фосфорланишини кучайтириб нормага келтирди, хужайрада липид, оксил ва аденинли нукулеотидлар алмашинувини мўътадиллаштиради. Липидларнинг перекисли оксидланишини пасайтириб, антиоксидантли энзимларнинг фаолликларини кучайтирди, митохондрияда фосфатидилэтанолламин, фосфатидилинозит ва кардиолипиннинг миқдорларини кўпайтириб, фосфатидилхолин, фосфатидилсерин, фосфатид кислота ва эркин ёғ кислоталарининг миқдорларини камайтириб нормадаги

кўрсаткичларга яқинлаштирди. Гепатитли хайвонларнинг жигар хужайрасидаги модда ва энергия алмашинувининг қайта тикланиши организмга киритилаётган Ўзбекистон дамламасининг миқдорига боғлиқ.

6. Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитли хайвонларнинг жигари митохондриясида Ca^{2+} ни ташилиши.

Кальций хужайра ичида кечаётган кўплаб жараёнларни, шу жумладан энергия хосил бўлишини ҳам бошқариши маълум. Ca^{2+} митохондрияда АТФ синтезини Кребс циклидаги бир неча дегидрогеназаларни фаоллаши ҳисобига бошқаради деб ҳисоблашади [Дерябина Ю.И. ва б., 2004]. Яқинда Евтодиенко Ю. В. ва бошқалар [2000] хайвон жигари митохондриясидаги АТФ нинг синтези ва гидролизида Ca^{+2} ни физиологик диапазондаги миқдорларини (10^{-8} - 10^{-6} М) митохондрияда тўпланишини ўрганишди. Нафас олувчи митохондрияга Ca^{+2} дан $5 \cdot 10^{-7}$ М кўшилганидан кейин митохондрияда максимал синтез ва гидролиз кузатилди. Митохондрияга кўшилган Ca^{2+} нинг миқдори 10^{-8} М дан камайиб, ёки $5 \cdot 10^{-6}$ М дан кўпайиб кетса оксидланишли фосфорланишни ва АТФ гидролизини тормозлайди.

Шу сабабли ҳам, навбатдаги мақсадимиз CCL4ни организмга киритилганида жигар митохондриясида Ca^{2+} ташилиши қандай ўзгаришларга учрашини аниқлаш бўлди.

CCL4 организмга киритилиши 0,5 ой бўлганида жигар митохондриясида Ca^{2+} ни тўпланиши назоратдаги хайвонларнинг митохондриясидаги кўрсаткичга нисбатан 1,87 мартага ошиб кетди. Организмга киритилган CCL4 миқдорининг кўпайиши митохондриянинг Ca^{2+} ни тўплаш имкониятини янада кучайтирди. Тажрибанинг 1; 1,5 ва 2 ойларида CCL4 олган хайвонларнинг жигари митохондриясида Ca^{2+} ни тўплаши соғлом хайвонлардан ажратиб олинган митохондриялардаги шу жараёнга нисбатан 2,30; 2,68 ва 2,99 мартага ошиб кетди.

4-жадвал

Хайвонларни CCL4 билан захарланганида жигар митохондриясининг Ca^{2+} тўплаш сиғимини ўзгариш динамикаси ($M \pm m$; n = 10-12).

Вариантлар	Ca^{2+} - тўплаш сиғими, нмоль/мг оксил			
	Тадқиқот ўтказиш муддати, ойларда			
	0,5	1	1,5	2
Соғлом ҳ-р	83,6±4,4	84,2±4,6	82,7±4,8	82,9±4,2
Гепатитли ҳ-р	156,2±8,2****	193,3±8,8****	221,9±10,9****	246,8±9,6****
%	186,8	229,6	268,4	298,9

Эслатма: Ўлча муҳити таркиби: 120мМ КСl, 1мМ KH_2PO_4 , 5мМ сукцинат, 10мМ трис-НСl (рН 7,4), 1 мкг/мл ретенон.

Демак, CCL4ни организмга киритилиши жигар митохондриясида Ca^{2+} ни тўпланишини тезлаштиради ва бу жараён CCL4ни организмга киритилишини давом этишига қараб кучаяди. Бизнинг фикримизча CCL4 таъсирида жигар митохондриясида АТФ синтезининг пасайишини асосий сабабчиларидан бири Ca^{2+} нинг митохондрияга тўпланишини кескин кучайиб кетганидан бўлиши керак.

Гепатитли хайвонарга 2 ой давомида Ўзбекистон дамламаси берилгандан кейин жигар митохондриясининг Ca^{2+} - ни тўплаш сиғимида кузатилган ўзгаришлар 18 жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон дамламасини гепатитли каламуларнинг организмга киритилиши кальцийни митохондрияга ташилишини секинлаштириши ва бу жараён Ўзбекистон дамламасини организмга киритилиш муддати ошган сайин кучайиши ва 2 ойга борганда соғлом хайвонлардаги кўрсаткичга яқинлашгани аниқланди. Тажрибанинг 0,5; 1 ва 2 ойларида гепатитли хайвонларнинг жигари митохондриясида Ca^{2+} тўплаш сиғими соғлом хайвонлардагига нисбатан 1,98; 2,01 ва 1,99 марта кўпайди, дамба олган гепатитли хайвонларда эса аксинча 1,12; 0,58 ва 0,22 марта кўпайиб, соғлом хайвонларнинг жигари митохондрияларидаги кальций ташилишига яқинлашди.

5-жадвал

Ўзбекистон шифобахш дамламасининг таъсирида, гепатитда хайвон жигари митохондриясининг Ca^{2+} - ни тўплаш сиғимини ўзгариши ($M \pm m$; $n = 10-12$).

Вариантлар	Ca^{2+} - тўплаш сиғими, нмоль/мг оксилда		
	Тадқиқот ўтказиш муддати, ойларда		
	0,5	1	2
Соғлом хайвонлар	87,7±4,4	89,0±5,0	87,2±4,8
Гепатит.х-р: Назорат	261,5±9,9**	268,0±8,7*	259,8±8,5*
%	298,2	301,1	298,9
Ўзбекистон дамламаси	186,2±7,5**	141,0±6,5*	106,4±5,6**
%	212,3	158,4	122,0

Демак, Ўзбекистон дамламаси CCL4ли гепатит билан касаллантирилган хайвонларнинг жигари митохондриялари томонидан Ca^{2+} - ни сўрилишини секинлаштириб, соғлом хайвонларнинг жигари митохондрияларидаги кўрсаткичга яқинлаштиради.

7. “Ўзбекистон шифобахш дамламаси”нинг таъсирида гепатитли хайвонларнинг жигар тўқимаси ва митохондриясида липидларнинг перекисли оксидланиши

